

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: _____

НОРМУРОДОВ ШЕРЗОД САЪДУЛЛА ЎҒЛИ

**РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА ХУСУСИЙ
ПЕНСИЯ ФОНДЛАРИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ**

Мутахассислик: 5A231301- «Пенсия иши»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

доц. А.Ботиров

ТОШКЕНТ - 2016

МУНДАРИЖА

	БЕТ
КИРИШ	3
I БОБ ХУСУСИЙ ПЕНСИЯ ФОНДЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	10
1.1. Хусусий пенсия фондларининг моҳияти, хусусиятлари ва шаклланиш тарихи	10
1.2. Ривожланаётган мамлакатларда хусусий пенсия фондларини ривожланишининг ҳуқуқий асослари	19
1.3. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда хусусий пенсия фондларининг ўрни	24
I боб бўйича хулоса	32
II БОБ РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА ХУСУСИЙ ПЕНСИЯ ФОНДЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ	34
2.1. Хусусий пенсия фондлари фаолиятининг амалий таҳлили	34
2.2. Хусусий пенсия фондларининг даромадлари ва харажатларининг таркиби	41
2.3. Хусусий пенсия фондларининг иқтисодиёт тараққиётига таъсирининг таҳлили	47
II боб бўйича хулоса	54
III БОБ РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА ХУСУСИЙ ПЕНСИЯ ФОНДЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИ ТАЖРИБАЛАРИДАН ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЁТИДА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯЛАРИ	56
3.1. Ўзбекистонда пенсия таъминоти ҳолати, ривожланиш тенденция ва муаммолар	56
3.2. Ривожланаётган мамлакатларнинг хусусий пенсия фондлари тараққиётининг илғор тажрибаларидан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари	62
3.3. Ўзбекистонда хусусий пенсия фондларини шакллантириш ва ривожлантириш истиқболлари	68
Учинчи боб бўйича хулоса	73
ХУЛОСА	76
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	81

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузининг ортиши, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ривожланиши, аҳоли турмуш даражасини оширилиши – буларнинг барчасида асосий қонунимизнинг аҳамияти катта. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимиз тараққиёти ва турмушимиз фаровонлигини юксалтиришнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб келмоқда. Айнан аҳолининг ижтимоий ҳимоялашнинг ҳуқуқий меъёрларига амал қилиниши ва пенсия таъминотини ҳозирги ҳолатини тадқиқ қилиш долзарб вазифалар қаторига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов айтганларидек, “...Ҳаёт даражаси биринчи навбатда, аҳолининг даромадлари миқдори билан белгиланади. 2015-йилда иқтисодиётимизни юқори суръатлар билан барқарор ривожлантиришга эришганимиз аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун мустаҳкам асос яратди. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар 21,9 фоизга, аҳоли жон бошига жами реал даромадлар эса 9,6 фоизга ошди. Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар улуши 2010-йилдаги 47,1 фоиз ўрнига 52 фоизга ўсгани ва бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги кўрсаткичлардан сезиларли даражада юқори эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.”¹

Давлатимизнинг 2015 йилги Давлат бюджети ва солиқ-бюджет сиёсати макроиқтисодий барқарорликни ҳамда мамлакат ЯИМнинг юқори суръатлар билан ўсишини таъминлаш, диверсификация қилинган ва рақобатбардош

¹ Бош мақсадимиз- иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир. 23 бет “Тошкент” 2016йил.

иқтисодий шакллантириш билан бирга аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилганлиги билан стратегик аҳамиятга эга.

Иқтисодий модернизациялаш шароитида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг янада чуқурлашуви, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими аниқ манзиллигининг кучайиши мамлакатда амал қилаётган пенсия тизимини молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Республикамизда пенсия тўлаш учун уч ойлик эҳтиёжни маблағ билан таъминлашга этарли захира жамғармасини ташкил этиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланётган шахслар учун мажбурий бадаллар тўлаш тартиби ва миқдорини белгилайдиган қонунларни ишлаб чиқиш, ишловчиларга тайинланадиган пенсия миқдорининг Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган мажбурий бадаллар миқдори билан бевосита боғлиқлигини кучайтириш зарурияти, пенсия тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлар қисмида фуқаролар қатнашувининг жинсий белгилар бўйича баҳолашда фарқларнинг мавжудлиги, иш берувчилар ва ёлланма ишчилар, шунингдек, турли гуруҳга мансуб товар ишлаб чиқарувчиларнинг Пенсия жамғармасига тўлайдиган ойлик бадаллари миқдори ўртасида фарқларнинг мавжудлиги, қатор имтиёзли пенсия таъминотининг сақланиб қолаётгани амал қилаётган пенсия тизимида айрим муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Шу муносабат билан тадқиқот ишимизга «Ривожланаётган мамлакатларда хусусий пенсия фондларининг тараққиёти » мавзуси танланди. Мазкур муаммоларнинг долзарблиги ва илмий-амалий аҳамиятга эгаллиги мазкур тадқиқот иши мавзусининг танланишига асос бўлди.

Тадқиқот объекти. Ривожланаётган мамлакатларда нодавлат пенсия жамғармалари ва нодавлат пенсия таъминоти тадқиқот объекти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Ривожланаётган мамлакатларда нодавлат пенсия жамғармаларини шаклланиши ва амал қилиши жараёнида содир бўладиган

иқтисодий муносабатлар мажмуаси тадқиқот ишининг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқот ишининг мақсади ривожланаётган мамлакатларида нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Битирув иши мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар киритилди ва ҳал этилди:

- нодавлат пенсия тизимини назарий асосларини ўрганиш;
- ривожланаётган мамлакатларда нодавлат пенсия жамғармаларига оид меъёрий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда нодавлат пенсия жамғармаларининг аҳамиятини баҳолаш;
- ривожланаётган мамлакатларда нодавлат пенсия жамғармаларининг даромадлари ва ҳаражатларини таҳлил қилиш;
- ривожланаётган мамлакатларда нодавлат пенсия жамғармаларининг иқтисодиётга таъсирини ўрганиш;
- ривожланаётган мамлакатларнинг нодавлат пенсия жамғармаларининг ривожланиш тажрибасидан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Ривожланаётган мамлакатларда нодавлат пенсия жамғармаларини ривожлантириш тажрибасидан ва пенсия жамғармаларини ташкил этиш мақсадида илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш. Тадқиқотнинг асосий масалалари:

- нодавлат пенсия тизими ва давлат пенсия тизими ёритилган;
- хусусий пенсия фондларини хорижий тажрибалари тадқиқ қилинган;
- иқтисодиётни модернизатсиялаш шароитида нодавлат пенсия таъминотини ташкил этиш чора тадбирларига оид илмий таклифлар ишлаб чиқилган;

– Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистонда хусусий пенсия тизимини тадбиқ этиш бўйича таклифлар берилган.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Нодавлат пенсия жамғармасини такомиллаштиришга бағишланган илмий изланишлар узок хориж мамлакатлари олимларидан Виллиамс М. нинг асарларида ўз аксини топган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан Орлов-Карба П.А., Роик В.Д., Тарасова Л.С, Мишин А, Вавулин Д.А, Михальчук В.Ю.лар ўз асарларида нодавлат пенсия жамғармасини такомиллаштиришга бағишланган илмий қарашларини баён этишган. Ўзбек олимлари Аллаяров Ш. Тошмухамедова Д, Вахабов Д.Р² ва бошқаларнинг дарслик, монография, ўқув қўлланма, илмий мақола ва илмий асарларида нодавлат пенсия жамғармасини такомиллаштиришнинг назарий асарларини ёритиб беришган.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Россия федерациясининг солиқ кодекси, Россия федерацияси президентининг фармонлари ва қарорлари, Россия федерациясининг қонунлари, Қозоғистон республикаси қонунлари, Қозоғистон республикаси солиқ кодекси, Қозоғистон республикаси президентининг қарорлари ва фармонлари, ИХТТнинг йиллик ҳисоботи, Жаҳон банкининг ҳисоботлари ва

² Williams M. Government: Cash Management Its Interaction with Other Financial Policies. International Monetary Fund Fiscal Affairs Department Technical Guidance Note. 2010. -2011 p., Орлов-Карба, Павел Александрович Все о пенсионной реформе в России : монография 2005 год 68-73 стр , Роик В.Д. Пенсионная система России. История, проблемы и пути совершенствования. – М.: МИК, 2007, Тарасова Л.С. Негосударственные пенсионные фонды: как распорядиться накоплениями / Л.С. Тарасова // Справочник кадровика. – 2006. – N 7. – С. 95-111, Мишин А. Негосударственные пенсионные фонды и инфраструктура финансового рынка // Депозитариум. 2006. №8 // Официальный сайт журнала «Депозитариум» ЗАО «Национальный депозитарный центр», Вавулин Д.А. Негосударственные пенсионные фонды : место в системе обязательного пенсионного страхования / Вавулин Д.А.// ЭКО. Экономика и организация промышленного производства. – 2008. - № 2. – С.160-175., Михальчук В.Ю. Негосударственные пенсионные фонды о ходе пенсионной реформы в России / В.Ю. Михальчук // Финансы. – 2007. – N 1. – С. 95-96., Аллаяров Ш. Тошмухамедова Д. Давлат пенсия таъминоти «иктисод молия» 2015йил 192-224 бет, Вахабов Д.Р. Пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг жаҳон тажрибаси // Молия. – Тошкент, 2010.- № 4.– Б. 21-27.

бошқа маълумотлар илмий изланишнинг назарий-услубий асосларини ташкил этади. Тадқиқот ишида таққослаш, гуруҳлаш, таҳлил, монографик кузатиш услубларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий-амалий аҳамияти.

Диссертатсиядаги илмий хулосалар ва тавсиялар, пенсионерларни қариликда фаровон ҳаёт кечиришига ва янги молия институтларни ташкил этилишига имконият яратади. Ўзбекистон Республикасида пенсия тизимини юксалтириш ва ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот иши материалларидан олий ўқув юртларида «Давлат мақсадли фондларини бошқариш», «Хорижий давлатларда пенсия тизими» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- Ривожланаётган мамлакатларда нодавлат пенсия жамғармаси тўғрисида ташкилий-ҳуқуқий асослари тадқиқ қилинди;
- Аҳолини ижтимоий қўллаб қувватлашда нодавлат пенсия жамғарманинг аҳамияти очиқ берилди;
- Ривожланаётган мамлакатларда нодавлат пенсия ўрганилди;
- Хориж тажрибасини Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари ва унинг афзалликлари илмий асосланди;
- Нодавлат пенсия жамғармасини инвестицион фаолиятини амалий ва назарий хулосалар ишлаб чиқилди.
- Пенсия тизимимизга оид камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот иши таркибининг қисқача тавсифи. Тадқиқот ишининг ҳажми 90 бетдан иборат, таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Тадқиқот ишининг кириш қисмида тадқиқот иши мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги берилган,

тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари, тадқиқот ишининг объекти ва предмети, тадқиқот ишининг назарий-амалий аҳамияти, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда тадқиқот иши таркибининг қисқача тавсифи кўрсатилган.

Тадқиқот ишининг «хусусий пенсия фондлари тараққиётининг назарий-ҳуқуқий асослари» номли биринчи бобида нодавлат пенсия жамғармаларининг моҳияти, хусусиятлари ва шаклланиш тарихи ёритиб берилган. Ривожланаётган мамлакатларда нодавлат пенсия жамғармаларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари ўрганилган. Аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлашда нодавлат пенсия жамғармасини ўрни ва аҳамияти кўрсатилган.

Тадқиқот ишининг «Ривожланаётган мамлакатларда хусусий пенсия фондларининг ҳолати ва ривожлантириш тенденциялари » номли иккинчи бобида ривожланаётган мамлакатларда нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятининг амалий таҳлили кўрсатилган. Ривожланаётган мамлакатларда нодавлат пенсия жамғармаларининг даромадлари ва харажатлари таҳлил қилинган. Нодавлат пенсия жамғармаларининг иқтисодиёт тараққиётига таъсири юзасидан амалий таҳлил қилинган.

Тадқиқот ишининг «Ривожланаётган мамлакатларда хусусий пенсия фондлари тараққиёти тажрибаларидан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари» номли якуний бобда Ўзбекистонда пенсия таъминотининг ҳолати, ривожланиш тенденциялари ва муаммолар кўрсатилган. Нодавлат пенсия жамғармалари тараққиётининг илғор тажрибаларидан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари ўрганилган. Ўзбекистонда нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш ва ривожлантириш истиқболлари ўрганилган.

Тадқиқот ишининг якунида Ўзбекистон Республикасида пенсия тизимини ривожлантириш бўйича хулоса ва таклифлар берилган.

I БОБ. ХУСУСИЙ ПЕНСИЯ ФОНДЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Хусусий пенсия фондларининг моҳияти, хусусиятлари ва шаклланиш тарихи

Замонавий иқтисодиёт шароитида ижтимоий ҳимоя институтининг бир бўғини сифатида пенсия тизими вужудга келди. Инсонларнинг ўртача умр кўриши, меҳнатга лаёқатлиларга нисбатан аҳоли сонининг сезиларли ўсаятганлиги ҳамда ҳаёт кечиришнинг ижтимоий мезонлари тўхтовсиз ўсаятганлиги сабабли ижтимоий сиёсатнинг барча соҳаларида, жумладан, пенсия таъминоти тизимидаги жараёнларни такомиллаштиришни тақозо этади.

Хусусан, иқтисодиётнинг либераллашиши ва бозор муносабатлари кенгаяётган айни пайтда кучли ижтимоий сиёсат юқори долзарблик касб этмоқда. Бу хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов «Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ислохотларнинг барча босқичида асосий йўналиш бўлиб ҳизмат қилади. Бу ислохотларимизга асос қилиб олинган беш тамойилдан биридир. Биз бундан кейин ҳам шу тамойилга таянган ҳолда иш олиб боришимиз керак» - дея алоҳида таъкидлайди³.

“Пенсия” (лотин тилидаги **“pension”** сўзидан олинган бўлиб, таржима қилинганда “тўлов” маъносини англатади)- белгиланган(пенсия) ёшига етганида, ногиронлик юз берганда, боқувчиси йўқотилганда, шунингдек белгили муддат хизмат қилгани учун ва давлат олдида алоҳида хизматлари учун фуқароларнинг давлат ёки собиқ ходимларнинг собиқ иш берувчилари томонидан мунтазам пул даромадлари билан таъминланиши⁴.

Хорижий мамлакатларда қуйидаги пенсия жамғармалари моделлари

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.- 18-19-б.

⁴ Срождинова З.Х. «Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими». - Дарслик. Тошкент 2010 йил. infoCom.UZ МЧЖ нашриёти, 367 с.

мавжуд :

- мажбурий тиббий суғурта жамғармалари
- жамғариб бориладиган нодавлат пенсия тизими
- аҳоли бандлиги жамғармалари
- давлат ижтимоий суғурта жамғармалари

Пенсия тизими ижтимоий ҳимоянинг муҳим унсурларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиётда мазкур тизим муҳим функцияларни бажаради, улар қуйидагилар. Биринчидан, қарилик чоғида камбағалликдан ҳимоя қилади. Иккинчидан, меҳнат фаолияти тугаши билан кафолатланган даромадни тақдим этиб, иш ҳақиға боғлиқ равишда маълум қийматга эға бўлади. Учинчидан, мазкур даромад келажакда инфляция натижасида турмуш фаровонлигини пасайишиға йўл қўймайди.

Т.Емельянова пенсия таъминотининг шаклланишини қуйидаги турларға ажратади⁵ :

Биринчидан, меҳнатға лаёқатсиз аҳоли қатламини яшаш минимуми ва моддий жиҳатдан таъминлаш. Камбағаллик оқибатларини баратараф этиш, меҳнат қилиш имкониятидан қатъи назар ижтимоий тенгликни сақлаб туриш.

Иккинчидан, аҳолининг даромадларига мувофиқ пенсия таъминотини амалға оширилишида пенсионернинг шахсий меҳнат улушини ҳисобға олиш.

Учинчидан, шахсий ташаббусға асосланган пенсия таъминоти.

А.Ижаева пенсия таъминоти тизимини классификацияларға ажратишда қуйидаги омилларға эътибор қаратиш лозим, дея таъкидлайди⁶:

- пенсия тўловлари ва бадалларини ҳисоблаш методи асосида;
- пенсия фондининг функционал (тақсимлаш ва жамғармавий) жиҳати асосида;
- сон ва шакл жиҳатидан, биринчидан — ижтимоий пенсия, иккинчидан, тақсимлаш тизими, учинчидан, жамғармавий тизими,

⁵ Емельянова Т.В. Финансовое обеспечение пенсионных систем в странах ЕС и России//Финансы. — Москва, 2008. - №10. — С. 64

⁶ Ижаева А.Р. Концепция развития пенсионной системы Российской Федерации в посткризисный период: автореф. ... к.э.н. — Москва: ФГБОУ ВПО Гос. Унив. Управ..2013. — 31 с.

тўртинчидан, ихтиёрий жамғарма тизими.

Пенсия таъминоти тизимининг бундай гуруҳларга ажратишнинг асосий сабабларидан бири – бу ижтимоий ҳимоянинг ташкил этиш ва унинг функциялари бажарилиши юзасидан вужудга келган. Бошқача айтганда, Бевериж ва Бисмарк моделларининг хусусиятларидан келиб чиқади.

Ривожланаётган мамлакатларда шакллантирилган пенсия таъминоти тизимини икки йирик моделга ажратиш мумкин (1.1-жадвалга қаранг):

- пенсия таъминотининг (миллий) универсал тизими;
- суғурта муносабатлари асосида шакллантирилган суғуртавий пенсия тизими.

1.1-жадвал

Пенсия таъминоти тизимининг муҳим хусусиятлари⁷

	Суғуртавий тизим	Универсал тизим
1	2	3
Таъминланганлик даражаси	Стандарт	Минимал
Пенсия таъминоти шакли	Аввалги шакллантирилган даромадларга асосланган пенсия	Аввалги даромадларга асосланмаган пенсия
Молиялаштириш	Суғурта асосида	Солиқлар асосида
Пенсия таъминотидан фойдаланишнинг дастлабки шарти	Суғурта муассасасига аъзолик	Мамлакатда яшаш ёки фуқаролик
Ташкилий шакли	Ўз-ўзини бошқарувчи суғурта фондлари	Давлат муассасалари

Жаҳон тажрибасида ҳеч бир давлатда тўлиқ жамғариладиган ёки тақсимланадиган пенсия таъминоти мавжуд эмас. Қайд этиш лозим, барча пенсионерларнинг яшаш минимумини таъминлашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш натижасида пенсия таъминотининг умумийликка эга бўлаётганлигини кўрамыз.

Умуман олганда, жаҳон тажрибасида пенсия таъминоти тизимини

⁷ Old age in Europe. Luxembourg, 2001. P.5.

назарий жиҳатдан икки йирик гуруҳга ажратилади⁸ :

1. Ўрнатилган тўлов тизими (Defined Benefit - DB).
2. Ўрнатилган бадал тизими (Defined Contribution - DC).

Нодавлат пенсия жамғармалари (НПЖ) – нотижорат молиявий ташкилотлар бўлиб, пенсионерларнинг ихтиёрий қўйилмалари ҳисобига уларни молиявий нафақа билан таъминлайди. Улар мажбурий пенсия суғуртаси ва нодавлат (қўшимча) пенсия таъминоти билан шуғулланади.

Нодавлат пенсия жамғармалари пенсия жамғармалари ва резервларни самарали инвестиция қилиб, фуқароларга улар пенсия ёшига етганларида ўз шахсий пенсиялари миқдорини сезиларли қўпайтириш имконини беради.

Жамғарма фаолияти – хусусий пенсия таъминоти жамғармаси қатнашчилари ихтиёрий равишда амалга оширилади ва пенсия тушумларини йиғиб борлиши, жойлаштирув ва пенсия жамғармаларини маблағларини ташкиллаштириш, жамғарманинг пенсия мажбуриятларини ҳисоботини юритиш, пенсияни тайинлаш ва тўлашни ўз ичига олади.

Пенсия суғуртаси бўйича жамғарма фаолияти – пенсия маблағларини йиғиш, пенсия жамғармаси маблағларини инвестицияларга йўналтирилишини ташкил этиш, суғурталанган шахсларнинг жамғарилган маблағларини ҳисоботини юритиш, суғурталанган шахсларга меҳнат пенсиясини тайинлаш ва жамғарилган қисмини тўлаб бериш, суғурталанган шахсларга зарурий пенсия тўловларини ва бирборасига бериладиган пенсия тўловини амалга оширади, суғурталанган шахсларнинг ҳуқуқий эга шахслари тўловларни амалга оширишни ўз ичига олади.

Нодавлат пенсия жамғармаси мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини қўллаб қувватлашда ва уларни тўлақонли таъминлашда муҳим ролни ўйнайди. Бу фонд мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига ва аҳолини келажакда йирик миқдордаги пенсия маблағи билан пенсияга чиқишини гаровга олувчи молиявий институт десак адашмаган бўламиз.

⁸ Ижаева А.Р. Концепция развития пенсионной системы Российской Федерации в посткризисный период: автореф. ... к.э.н. – Москва: ФГБОУ ВПО Гос. Унив. Управ., 2013. – 31 с.

Сабаби, ҳар бир нодавлат пенсия жамғармасига бадал тўлаган шахс пенсия ёшига етган чоғида яхши ва тўлин тўкис ҳаётга яшашни орзу қилади. Пенсия ёшига етган шахслар томонидан жамғармага ажратилган маблағлар ҳисоби олиб борилади ва уни қай даражада эҳтиёжни қоплашга етишини кўра билиши мумкин. Демак, пенсионерларнинг пенсия ёшига етганда оладиган маблағларини тўла тўкис хавфсизлигини, ҳимояланганлигини ва уларни инвестицион мақсадларда фойдаланиб жамғарилган маблағни кўпайтирган ҳолда ўз эгаларига етказилишини тўғридан тўғри назорат қилиб бориш мажбуриятини олади. Шу ўринда жамғармага суғурта бадалини ўтказувчи ишловчилар томонидан ҳам бу фондга бўлган ишонч даражаси юқори кўрсаткичларни ташкил қилиши лозим.

Нодавлат пенсия жамғармасининг ўзига мувофиқ моҳияти шундан иборатки, бошқа турдаги пенсия тизимларида жамғарилган маблағлар пенсия олувчиларга ҳеч қандай қўшимча фоиз устамасисиз қайтариб берилади. Нодавлатда эса жамғарилган маблағлар пенсия олувчилар учун маълум миқдорда фоиз ставкаси асосида эгаларига қайтарилади. Жамғарилган маблағларнинг қай даражада ошиб бориши ва унинг кўпайиб бориши, эса пенсия фонди ва мижоз томонидан танланган инвестиция таклифлари сабабчи бўлади.

Нодавлат пенсия жамғармаларининг куйидаги турлари мавжуд:

1. Очиқ пенсия жамғармаси - нодавлат пенсия жамғармаси бўлиб, исталган жисмоний шахслар, уларнинг иш жойи ёки иш хусусиятларидан қатъи назар, бу жамғарманинг иштирокчиси бўлишлари мумкин;

2. Корпоратив пенсия жамғармаси – асосчиси юридик шахс иш берувчи ёки бир неча юридик шахслар иш берувчилар бўлган нодавлат пенсия жамғармаси бўлиб, унга ўз ходимлари фойдасига бадал тўлаб боровчи иш берувчилар қўшилиши мумкин. Бу жамғарманинг иштирокчилари фақатгина жамғарма асосчилари бўлган иш берувчилар ва бу фондга бадал тўлаб боровчи иш берувчилар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар бўлиши мумкин;

3. Профессионал пенсия жамғармасы – нодавлат пенсия жамғармасы бўлиб, унинг асосчиси (асосчилари) юридик шахслар, иш берувчилар бирлашмалари, жисмоний шахслар бирлашмалари, шу жумладан касаба уюшмалари (касаба уюшмалари бирлашмалари) ёки фаолият (касб) тури бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Бундай жамғарманинг иштирокчилари эса фақатгина фонд уставида белгилаб берилган касб фаолияти (касби) бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

Бошқарувчи компания фойда олиш мақсадида пенсия жамғармасида тўпланадиган пенсия активларини турли хил қимматбаҳо қоғозларга киритади. Сармоядан олинадиган фойда пенсия жамғармасы аъзолари ўртасида тақсимлаш амалга ошириладиган санада уларнинг шахсий пенсия ҳисобварақларида акс этган суммага мутаносиб равишда тақсимланади, фойдани тақсимлаш бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

Бирор-бир пенсия жамғармасида иштирок этиш ихтиёрий ҳисобланади, бунинг устига жисмоний шахс бир вақтнинг ўзида битта ёки бир неча пенсия жамғармаларининг иштирокчиси бўлиши мумкин. Шу билан бирга агар очик пенсия жамғармасида иштирокчилар ўз фойдаларига бадал тўловчилар бўлишса, корпоратив ва профессионал пенсия жамғармаларида фақат уларнинг иш берувчилари жамғармага киргандагина (корпоратив жамғарма) ёки муайян касбга таълуқли бўлганларидагина (профессионал жамғарма) улар бундай жамғармаларнинг иштирокчилари бўлишлари мумкин⁹.

Ҳозирги вақтда нодавлат пенсия жамғармалари ижтимоий таъминот нотижорат ташкилотининг ўзига хос ташкилий ҳуқуқий шаклини ўзида намоён этади. Нодавлат пенсия жамғармаларининг таъсисчилари жисмоний ва юридик шахслар бўлиши мумкин. Қўпинча нодавлат пенсия жамғармалари ўз ходимларини қўшимча пенсия билан таъминлашдан манфаатдор бўлган йирик ва анчагина сердаромад корхоналар томонидан таъсис этилади, улар бу харажатларни молиялаштиришлари мумкин, бироқ

⁹ Федеральный закон Российской Федерации от 7.05.1998г. №75-ФЗ «О негосударственных пенсионных фондах»

шу билан бирга улар узоқ муддатли пенсия ресурсларини ишониб топширадиган ташкилотнинг фаолиятини назорат қилишни ҳам исташади.

Нотижорат ташкилоти ҳисобланадиган нодавлат пенсия жамғармалари олинган фойдани ўз таъсисчилари ўртасида тақсимлаш ҳуқуқига эга эмас. Нодавлат пенсия жамғармаларининг фойдаси фақатгина қатъий белгилаб қўйилган мақсадларга йўналтирилади:

- пенсия заҳиралари маблағларини тўлдириш (пенсия заҳираларини жойлаштиришдан олинган даромад);
- пенсия жамғармалари маблағларини тўлдириш (пенсия жамғармалари маблағларини инвестиция қилишдан олинган даромад);
- нодавлат пенсия жамғармаларининг устав фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;
- нодавлат пенсия жамғармаларининг устав фаолиятини таъминлаш учун мўлжалланган мол-мулкни шакллантириш.¹⁰

Нодавлат пенсия жамғармалари органларининг тузилмаси кўп жиҳатдан акционерлик жамиятлари бошқарув органлари тузилмасига ўхшаш. Аксарият нодавлат пенсия жамғармаларининг олий бошқарув органи жамғармага маблағ қўювчилар ёки унинг иштирокчиларининг ҳеч қандай вакилликсиз, таъсисчилар томонидан шакллантириладиган жамғарма кенгаши ҳисобланади.

Кенгаш ваколатига одатда жамғарма фаолиятининг стратегик масалаларини ҳал қилиш, энг муҳим ҳужжатларни тасдиқлаш (уставни ўзгартириш, жамғарма қоидаларини қабул қилиш ва ўзгартириш), инвестиция сиёсатини аниқлаб бериш кабилар киради. Кенгаш шунингдек жамғарманинг бир йиллик иши тўғрисидаги ҳисоботни ва келгуси йил учун режани, харажатлар сметасини тасдиқлайди, ижро органларини тайинлайди, васийлик кенгашини шакллантиради.

Назорат функцияларини бажарадиган ва нодавлат пенсия

¹⁰ Федеральный закон Российской Федерации от 24.07.2002 № 111-ФЗ «Об инвестировании средств для финансирования накопительной части трудовой пенсии»

жамғармаларининг фаолияти устидан назоратни таъминлайдиган коллегиял органларни шакллантириш шартлиги кўзда тутилиши керак. Унинг таркибига корхона вакиллари ҳам, жамғармага маблағ кўйувчи ташкилот вакиллари ҳам, касаба уюшмалари, оддий иштирокчилар ёки шунчаки кўпчилик ҳурмат қиладиган кишилар кириши ҳам мумкин. Одатда у ёки бу гуруҳ вакиллари учун квоталар бўлмайди. Васийлик кенгашлари йиллик ҳисоботни дастлабки тасдиқлашда, жамғарманинг муҳим қарорларини (масалан, жамғарма қоидаларига ўзгартириш киритиш) дастлабки келишишда, жамғарма ҳужжатлари билан танишишда иштирок этиши мумкин.

Нодавлат пенсия жамғармаларининг фаолиятини оператив бошқаришни одатда махсус тайинланган ижро органи - яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи томонидан (бош ёки ижро директори) ва / ёки коллегиял ижро этувчи органи (дирекция, бошқарма) томонидан амалга оширилади.

Ижро органи жамғарма кенгаши томонидан шакллантирилади ва унга ҳисоб беради, бироқ назорат даражаси турлича бўлиши мумкин. Нодавлат пенсия жамғармалари ижро органи фаолияти устидан назоратни ревизия комиссиялари амалга оширади.

Дастлаб нодавлат пенсия жамғарманинг фаолияти фақатгина нодавлат пенсия жамғарма қатнашчиларининг нодавлат пенсия таъминотидан иборат бўлган. Кейинчалик уларнинг фаолият доираси анчагина кенгайди: эндиликда нодавлат пенсия жамғармалари нафақат нодавлат пенсия таъминотини амалга ошириш, балки профессионал пенсия суғуртаси ва мажбурий пенсия суғуртаси бўйича суғуртачи сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга, бу суғурталанган шахсларнинг пенсия жамғармалари воситаларини тўплаш, инвестиция қилиш ва ҳисобга олиш, уларга меҳнат пенсиясининг жамғарма қисмини тайинлаш ва тўлашдан иборат¹¹.

¹¹ Вавулин Д.А. Негосударственные пенсионные фонды: место в системе обязательного пенсионного страхования 2008. - № 2. – С.160-175.

Жахон амалиётида биринчи мартаба “American Express Company” пенсиянинг хусусий жамғариш шаклини бошқача қилиб айтганда шахсий (план) тизимини ташкил этган. Бу тизим 1875 йил асос солиган. 1880 йилда “Baltimor Railroad Ohio” темирйўл компанияси томонидан шахсий плани тасдиқланган ва бу компания биринчилардан фондга йирик даромадни келтирган, шу ҳолатга кўра ишчилар сони 77000 нафар ишчи ходимни шахсий ҳисобварақ очтирган ҳолда фондга бириктирилган. Хусусий пенсия фондида ривожланиш ва уни жадаллаши ўтган асрнинг ярим йилликидан кейин бошланди. Аввалига фонд иштирокчилари якка ишчи кучи ва якка тартибдаги мумай даромад кўрувчи фуқаролар, қайсики давлат томонидан мажбурий суғурталанмаган қатлам. Аста секинлик билан фондга бўлган интилиш ва уни келажакда етук потенциал сифатида кўрувчилар сони ортиб борган. Бундан сунг, ўрта миқдорда маош олувчи ишчи кучларнинг фондга жалб қилинган. Хусусий фондларнинг кескин ўсиш даври саноат соҳаси ривожланган мамлакатларнинг XX аср 60 йилларида авж олишни бошлади. Саноат борасида етакчи мамлакатлар ҳисобланган корхона ва заводларда ишловчи аҳолининг даромадлари ошиб борган лекин, пенсия олувчиларга тайинланган пенсия миқдорида ўзгариш сезилмаган. Бу охир оқибат хусусий пенсия фондлари учун кучли туртки бўлган. Пенсия миқдорини ўсишига тўсқинлик қилувчи омиллардан бири ҳисобланмиш, белгиланган ойлик маошини ўсиши оқибатида барча йирик корхоналар учун муаммолар келтириб чиқарган. Масалан, корхона ва ишловчи шахслар учун тайинланган иш ҳақи фондидан пенсия фондига ажратиладиган суғурта бадали миқдори ўсишига олиб келади, буни оқибатида эса суғурталовчи ва суғурталанувчи учун тайинланган маош миқдори пасайиб боради.

Аҳоли қатламини кексайиб бориши ва демографик омил таъсирида давлат пенсия тизими учун ҳудди оғир юк сифатида қийинчилик туғдирди ва шу сабабли хусусий фондлар учун кенг кўламли имкониятлар юзага келди бундан оқилона ва мақсадли фойдаланиш керак эди. Қўшимча пенсия программалари пенсия таъминоти борасида асосий ролни ўйнаш керак эди ва

у пенсия ёшигача тўлаш керак бўлган маблағларни ўз зиммасига олиш орқали давлат пенсия таъминотини қийинчиликдан олиб чиқиш керак эди. Шундай қилиб , нодавлат пенсия таъминотининг оммалашуви(уюшган тури ва шахсий тури) биринчи ўринда, давлат томонидан ишлаб чиқилган дастур томонидан қўллаб қувватланишига чамбарчас боғлиқ.

1.2. Ривожланаётган мамлакатларда хусусий пенсия фондларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари.

Ривожланаётган давлатларнинг нодавлат пенсия жамғармаларини ўрганишдан даст аввал, биринчи навбатда “ривожланиш даражасидаги мамлакатларнинг туркумланишини” таҳлил қилиб олишимиз керак. Туркумланиш турига кўра давлатларнинг ривожланиши ижтимоий иқтисодий категорияга бўлинади. Буни аниқлашда асосий факторлар ҳисоблаб чиқилади масалан (аҳолининг даромади, саноат маҳсулотлари билан тўйинтирилганлиги, озиқ-овқат маҳсулотлари, таълим даражаси, ўртача умр кўриш ёши. Шу ўринда ривожланаётганлик даражасини аниқлашда, ЯИМ ни қиймати ёки ЯИМ ни жон бошига қанча миқдорда тўғри келишини асосий фактор деб ҳисоблаймиз.

Ижтимоий – иқтисодий ривожланиш даражасига кўра мамлакатлар 3 турга бўлинади.

Биринчи гуруҳ: ЯИМ нинг жон бошига тўғри келадиган қиймати 30000 АҚШ долларида ошган қатламга кирувчи давлатлар. Масалан (АҚШ, Канада, Япония, Германия, Франция, Қатар, Жанубий Корея) Ўта ривожланган мамлакатлар орасида алоҳида “еттилик” мамлакатлари ажралиб туради (АҚШ, Япония, Канада, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия).

Еттилик мамлакатлари - Жаҳон иқтисодиётида етакчи ҳисобланган, меҳнат кучидан унумли фойдаланувчи, илм-фан ва техника борасида юксак ютуқларга эришган мамлакатлар. Ўта ривожланган мамлакатлар сарасига охирги йилларда БАА, Исроил, Жан. Корея, Кувайт қўшилиш истаги йўқ

эмас.

Иккинчи гуруҳ: Ривожланаётган мамлакатлар сарасига ЯИМ нинг жон бошига 14000 Ақш долларида ошган қатлами киради. Буларга (Россия, Венесуэла, Бразилия, Чили, Словения, Польша, Чехия, Қозоғистон) давлатлари шу қаторга қўшилади. Бу гуруҳга кирувчи мамлакатлар охириги 10 йил ичида кескин иқтисодий ўзгаришлар ва юксалишлар натижасида улкан ютуқларга эришди.

Учинчи гуруҳ: Босқичма-босқич ривожланаётган мамлакатлар, масалан (Вьетнам, Ҳиндистон, Хитой, Эквадор, Ливан, Ўзбекистон, Туркменистон, Мўғилистон, Эрон, Ироқ). Юқорида келтирилган мамлакатларнинг аксариятида йиллик ЯИМ нинг ўсиш сурати охириги 5-6 йил ичида юқори кўрсаткичларга эга. Бу давлатларда ишчи кучи арзон бўлганлиги сабабли ҳам ишлаб чиқариш сурати йилдан йилга ортиб бормоқда.

Россияда хусусий фондини ташкил этиш тўғрисидаги №1027 буйруқ 16 сентябр 1992 йил қайд этилди. Буйруқда фонднинг ташкил этишни асосий принциплари, нодавлат пенсия жамғармасининг фаолияти ва шу ўринда нодавлат пенсия жамғармалар давлат пенсия таъминотидан ҳолис ва унинг фаолиятига аралаштириш ҳуқуқидан озод этилган аммо тўлаб бериш даврига келганда эса иккала фонд бир пайтга амалга оширади деб кўрсатилган. Буйруқда аниқ кўрсатиб ўтилган, нодавлат пенсия жамғармалар тижорат фаолияти билан шуғулланиши таъқиқланади. Фонднинг активларини жойлаштириш масалалари бўйича алоҳида тўхтаб ўтилган бунда, фонднинг активлари махсус активлар билан шуғулланувчи компания томонидан амалга оширилиши лозимлиги ва улар ўртасидаги муносабатни шартнома асосида тартибга қўйилиши кўрсатиб ўтилган. Буйруқда кўрсатиб ўтилган, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги қошида нодавлат пенсия жамғармасининг махсус инспекцияси тузилиши ва унинг зиммасига фондни рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш юклатилган эди.

Нодавлат пенсия жамғармасини янада ривожлантириш истиқболлари “07.05.1998 №75-ФЗ” йилда тузилган қонун асосида янада такомиллашиб

борди. Бу қонун Россиянинг нодавлат пенсия жамғармаларини бошқаришда, уларнинг фаолиятини юритишда, фуқароларнинг фонд борасида барча саволлар ва муаммолар ечими ҳисобланади. Қонунда аниқ кўрсатилган нодавлат пенсия жамғармаларнинг ўрни, ташкил этиш усуллари, рўйхатдан ўтказиш нормативлари, лицензиялаш жараёни, фонднинг вазифалари, функциялари, суғурталанувчилар олдидаги мажбуриятлари, жамғарилган маблағларнинг инвестицияси, жамғарманинг давлат қонунчилиги томонидан гаровланиши ва унинг дахлсизлиги шу каби масалалар санаб ўтилган.

Нодавлат пенсия жамғармани устави қуйидагиларни ўз ичига олиш керак: фонднинг тўлиқ ва қисқартирилган номланиши, фонднинг жойлашган адреси, фонднинг фаолият юритиш предмети ва мақсади, фонднинг бошқарув кенгаши ва структураси тўғрисида маълумот, фондга таълуқли лавозимга тайинланиш ундан озод этилишлар, фонднинг тугатилиши, жойлаштирилган маблағлардан олинган даромадларнинг тақсимланиши ва фонднинг тугатилиши жараёнида мулк мусодараси тўғрисида ахборот бериб бориш керак.

Иштирокчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Жамғармадан пенсия шартномаси шартлари бўйича нодавлат пенсияларини тўлаш бўйича жамғарма мажбуриятларининг бажарилишини талаб қилиш;

- Пенсия шартномаси шартлари, жамғарманинг пенсия қоидалари ва танланган пенсия схемасига мувофиқ пенсия олишга асослар юзага келганда нодавлат пенсиясини олиш (пенсия шартномасидаги пенсия олишга асослар кўрсатилган шартномалар тузилаётганда Россия Федерацияси қонунларига мувофиқ ўрнатилган пенсия олиш учун асослар ҳисобланади);

- Жамғармадан жамғарма пенсия қоидалари ва пенсия шартномаси шартларига мувофиқ нодавлат пенсия таъминоти шартларини ўзгартиришни талаб этиш;

- Пенсия шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганда жамғармадан жамғарма пенсия қоидалари ва пенсия шартномасига

шартларига мувофиқ пенсия таъминоти сифатида тўлов тўланишини ёки унинг бошқа жамғармага ўтказилишини талаб қилиш;

-Жамғармага пул киритувчилар бадалларни фақатгина пул воситаси кўринишида, жамғарманинг пенсия қоидалари ва пенсия шартномасида кўзда тутилган тартибда ва миқдорларда тўлашлари шарт;

-Жамғармага бадал киритувчилар ва жамғарма иштирокчилари уларнинг жамғарма олдидаги мажбуриятларини бажаришларига таъсир этувчи ўзгаришлар ҳақида жамғармани хабардор этишлари шарт;

1998 йил 07-майдаги “Нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисида”ги 75-ФЗ Федерал қонунда кўрсатилишича суғурталанган шахснинг мажбуриятлари қуйидагилар:

-жамғармага меҳнат пенсиясининг жамғарилган қисмини тайинлаш ва тўлаш учун асос бўлиб ҳисобланадиган, ишончли маълумотларга эга ҳужжатларни тақдим этиш;

-жамғармага меҳнат пенсиясининг жамғарилган қисмини тўлашга таъсир этадиган ўзгаришлар, шу жумладан фамилияси, исми, отасининг исми ва доимий турар жойи ўзгарганлиги тўғрисида хабар қилиш;

-меҳнат пенсиясининг жамғарилган қисмини тайинлаш (қайта ҳисоб-китоб қилиш) ва тўлаш учун ўрнатилган шартларга риоя қилиш. Суғурталанган шахслар “Нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисида”ги Федерал қонуни, бошқа федерал қонунлар ва Россия Федерациясининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, жамғарманинг суғурта қоидалари ва мажбурий пенсия суғуртаси тўғрисидаги шартномада кўзда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлари мумкин.

Жамғарманинг мажбуриятлари:

-унга маблағ киритувчилар, унинг иштирокчилари ва суғурталанган шахсларни жамғарма қоидалари ва уларга киритилган ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар билан таништириш;

-нодавлат пенсия таъминоти пенсия ҳисоби ва меҳнат пенсияси жамғарма қисми пенсия ҳисобварағини юритиш орқали ўзининг маблағ

киритувчилари, иштирокчилари ва суғурталанган шахслари олдидаги мажбуриятларининг ҳисобини амалга ошириш, шунингдек пенсия резервлари воситалари ва пенсия жамғармалари воситалари ҳисобини амалга ошириш;

-бир йилда бир марта жамғармага бадал киритувчилар, унинг иштирокчилари ва суғурталанган шахсларга уларнинг пенсия ҳисобварағи ҳолати ҳақида ахборот бериш;

-пенсия шартномаси шартларига мувофиқ нодавлат пенсияларни ёки тўлов суммаларини тўлаш; пенсия шартномаси шартларига мувофиқ бадал киритувчи ёки иштирокчининг топшириғига биноан тўлов суммасини бошқа жамғармага ўтказиш;

-жамғармага бадал киритувчилар, унинг иштирокчилари ва суғурталанган шахсларининг ҳуқуқларини бузадиган қарорларни бир томонлама қабул қилмаслик.

1.3. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда хусусий пенсия фондларининг ўрни ва аҳамияти

2013 йилги кўрсаткичларга қараганда, умумий институтционал инвесторларнинг активлар миқдори ИХТТ мамлакатларида 92.6 трлн. долларни ташкил этган. Бундан инвестиция фондлари учун 34.9 трлн. долларни ташкил этса, 26.1 трлн суғурта компанияларига тўғри келади, 24.7 трлн эса ХПФ ларига, 5.1 трлн давлат пенсия фондида ва 1.8 трлн эса бошқа турдаги инвестиция манбаларига бориб тақалади. 2013 йилга келиб ХПФ лари институтционал инвесторлар орасида ўзининг ўрни бўлмиш яъни 26.7% улушини эгаллаб турибди.¹²

Дарвоқе, ИХТТ тушунчаси ҳақида керакли маълумотларни куриб чиқиш мақсадша мувофиқ.

ИХТТ - Иқтисодий ҳамкорлик тараққиёт ташкилоти, рус тилида

¹² www.oecd.org/pensionmarketinfocus.

(ОЭСР), англиз тилида (OECD) деб юритилади. Ривожланган мамлакатларни жамлаган халқаро иқтисодий ташкилот бўлиб, демократик иқтисодиёт шароитига эга ва эркин бозор иқтисодиётидан ташкил топган тузилма. Ташкилот 1961 йил 30 сентябрда ташкил топган бўлиб, унинг штаб квартираси Парижда жойлашган. Ташкилот аъзолари 34 та мамлакатдан иборат. ИХТТ таркибига кирувчи мамлакатлар ЯИМи дунёнинг 60% ни ташкил этади. ИХТТ кенг кўламли иқтисодий таҳлил, молия бозорининг ҳолати, ижтимоий ҳимоя, банк тизими ва ҳоказолар юзасидан илмий ўрганиш ва юзага чиққан муаммолар борасида иш олиб боради. ИХТТ нинг фаолияти қуйидагилардан иборат: пул ювишга қарши кураш, солиқлар тўлашдан қочишни олдини олиш, коррупция ва порахўрликка қарши чора тадбирларни ишлаб чиқади.

Умуман олганда, пенсия тизимининг бир неча моделлари мавжуд. Масалан Чили моделида давлат пенсия таъминоти мавжуд эмас. Ҳар бир ходим иш ҳақининг 10 фоизи миқдоридаги пенсия бадали нодавлат пенсия жамғармаларининг биридаги шахсий ҳисобга жойлаштирилади. Бундай моделда ижтимоий таъминот элементлари йўқ, фақатгина ўз-ўзини суғурта қилиш мавжуд ҳолос. Пенсия ҳам нодавлат пенсия жамғармаси фаолиятига боғлиқ бўлади. Бунда унинг ўртача миқдори иш ҳақининг 80% гача етиши мумкин.

Нодавлат пенсия жамғармаларини қонунчилик талабларига жавоб берадиган иш берувчилар, касаба уюшмалари ва юридик шахслар тузишлари мумкин. Хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, йирик корхоналарда иш берувчилар томонидан тузилган пенсия жамғармалари катта ютуқларга эришмоқда.

Нодавлат жамғарма схемаларига эътиборнинг кучайиши, уларни аста-секин пенсия суғуртаси комплекс тизимига жорий қилиш барча ривожланаётган давлатлар учун умумий анъанага айланиб бормоқда. Олдинлари жамғарма схемалари бетартиб, тасодифан вужудга келган. Фирмалар пенсия дастурларини ишлаб чиқишда пешқадамликни қўлга

олишиб, давлатга уларни тартибга солувчи ролни қолдиришди. Бугунги кунда давлат томонидан тартибга солинадиган ва иш берувчилар ҳамда хусусий шахслар томонидан молиялаштириладиган жамғарма пенсия режалари борган сари муҳим роль ўйнамоқда.

Маълумки, нотижорат ташкилотлари ўз фойдаларини, агар фойда кўрсалар, ўз таъсисчилари ўртасида тақсимламайди. Гапнинг очиғи, нодавлат пенсия жамғармалари таъсисчилари узоқ муддатли инвестицион ресурс сифатида фақатгина жамғармалар томонидан жалб этиладиган пенсия воситалари ҳажмини оширишдан манфаатдордирлар.

Нодавлат пенсия жамғармалари молиявий бозорнинг профессионал иштирокчилари бўлган бошқарувчи компаниялар орқали активларининг барчасини ёки катта қисмини қалтис воситаларга жойлаштирадilar. Улар одатда, инвестицияларнинг юқори фойдалилигини таъминлайдилар. Бундан ташқари, ҳар бир бошқарувчи компания уларга жамғармалар томонидан ишончли бошқариш учун берилган маблағларнинг сақланиши учун жавобгарликни ўз зиммаларига олади ва ўзининг бутун мол-мулки билан улар учун жавоб беради. Бошқарувчи компаниялар томонидан ўтказилган операциялар тўғрисидаги ахборотлар ихтисослаштирилган депозитарийларга берилади, улар эса ўз навбатида жамғармаларга тегишли қимматбаҳо қоғозларнинг ҳисобини амалга оширади ва бошқарувчи компаниялар ва жамғармалар томонидан пенсия заҳираларини жойлаштириш бўйича ўрнатилган қоидаларга риоя этилаётганлигини назорат қилади. Нодавлат бошқарув компанияларининг инвестиция қилиш бўйича имкониятлари давлат бошқарув компаниялариникига қараганда анчагина кенгдир – улар бир неча класс активларига инвестиция қилишлари мумкин, уларнинг орасида акциялар, корпоратив облигациялар, регионал ҳукуматларнинг қоғозлари, кредит ташкилотларидаги депозитлар ва ҳ.к.лар бўлиши мумкин. Қонун чиқарувчининг бундай қарорга келишини тушуниш мумкин, чунки гап ўз маблағини профессионал бошқарувчига ишониб топширган фуқаронинг онгли танлови ҳақида бормоқда.

Пенсия шартномалари бўйича жамғармага маблағ қўювчилар нодавлат пенсия жамғармаларига пенсия бадалларини киритиб бориш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар, жамғарма бу бадалларни инвестиция қилади ва ундан фойда олади, натижада жамғарма иштирокчилари (келгусида пенсия олувчилар) ҳисобварағида тўпланган сумма ошади.

Пенсия шартномалари бўйича пенсия тўлаш умр бўйи ёки пенсия олишга асослар пайдо бўлган вақтдан бошлаб маълум муддат ичида тўланади. Иштирокчи вафот этган ҳолларда (нодавлат пенсияси тўлаш бошлангунга қадар) ҳисобварақда тўпланган барча маблағлар меросхўрларга ўтади.

Нодавлат пенсия жамғармаларига маблағ қўювчилар жамғарма даври мобайнида пенсия шартномасини бекор қилишлари ва тўлов суммасини олишлари ёки уни бошқа жамғармага ўтказишга ҳақлидирлар. Тўлов суммаси миқдори ҳеч қандай ҳолда ҳам тўланган бадаллар ва ҳисобланган кафолатли инвестиция фойдаси суммасидан кам бўлиши мумкин эмас, шу сабабли шартномани бекор қилиш мижоз учун катта зарар келтирмайди. Пенсия шартномаларини муддатидан олдин бекор қилиш жамғармага маблағ қўювчилар учун иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаслиги учун, жамғармалар одатда бундай вазиятларда уларнинг инвестиция фойдаларини ола олмасликларини кўзда тутадилар.

Агар иштирокчи маълум муддат мобайнида пенсия олса, унда унинг шахсий пенсия ҳисобварағида тўпланган маблағ ҳам шунингдек мерос массаси таркибига қўшилади. Нодавлат пенсияси умр бўйи тўланганида пенсия тўловлари тўлаб бошлангандан сўнг жамғарма иштирокчисининг ҳисобварағида тўпланган пенсия маблағларини жамғармадан олиш мумкин эмас, бу маблағ шунингдек мерос массаси таркибига ҳам қўшилмайди, балки жамғармада махсус захирада қолади.

Мижозлар – жисмоний шахслар бугунда ноёб ҳодисага айланган, чунки турлича молиявий пирамидалар, дефолт, йирик банкларнинг банкротликка учраши оқибатида халқимизда ўз маблағини турли узоқ муддатли

воситаларга қўйишга ишончсизлик пайдо бўлди. Солиқ тизими ҳам нодавлат пенсия жамғармаларига маблағ келишини осонлаштирмайди, пенсия бадалларини амалга оширувчи шахслар учун бирор-бир солиқ имтиёзлари кўзда тутилмаган. Бу билан давлат ривожланаётган мамлакатлар иқтисодига арзон, узоқ муддатли инвестиция ресурслари келишининг йўлини тўсади, ваҳоланки фукараларнинг ўзларини кексайганида таъминлашлари учун йўналтиришлари мумкин бўлган бундай ресурслардан фойдаланиш мутахассисларнинг баҳолашларига кўра ҳозирги кунда фукаралардан олинadиган солиқларга нисбатан ўнлаб, балки юзлаб кўп миқдорда солиқ йиғишга имкон берган бўлур эди.

1.2-жадвал

Нодавлат пенсия таъминотини қамраб олиш даражаси, 2013 йил ҳолати, умумий ишловчилар сони фоиздаги улуши¹³ (15-64) ёш

	Мажбурий	Ихтиёрий		
		Профессионал	Шахсий	Умумий
Австралия	68,5	X	19,9	19,9
Белгия	x	57,3	..	..
Канада	x	25,7	24,7	..
Чили	78,9	..	..	..
Эстония	74,3	X	5,1	5,1
Финляндия	84,1	9,2	20,9	29,1
Германия	x	56,4	35,2	71,3
Исландия	87,9	X	52,2	52,2
Израил	94,2	X	X	X
Корея	13,9	X	23,4	23,4
Голландия	88	X	28,3	28,3
Янги Зеландия	x	7,2	72,9	..
Норвегия	68,6	..	22,3	..
Швейцария	72,6	X	..	..
Б. Британия	x	30	11,1	43,3
АҚШ	x	41,6	22	47,1

Лотин Америкасида ва марказий ва шарқий Европа мамлакатларида нодавлат пенсия жамғармаларининг мажбурий шахсий тизими кенг

¹³ www.oecd.org/pension/at/glance/page/197

тарқалган, улар қисман аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда ўз ўрнига эга. Қуйидаги кўринишга эга “пенсия режаси” Чили, Эстония, Мексика, Словакия ва ҳаттоки яқин кунларгача Польшада ҳам кузатилган бўлиб, 2014 йилдан бошлаб ихтиёрий тизимга ўтказилди. Масалан, Дания, Эстония, Исроил ва Швеция давлатларида камраб олиш даражаси универсал ҳисобланиб, қайсики ёши улуғ ишловчилар янги пенсия тизимага ўтишни хохламайдилар. Айрим ИХТТ мамлакатларида ноофициал равишда ишловчилар сонининг ортиши билан мажбурий тизимнинг камраб олиш даражасини пасайтириб юборади.

Аксарият ривожланаётган мамлакатларда фуқароларнинг умумий пенсия таъминотидаги давлат пенсияси улуши 40 - 50% дан ошмайди. Қолган 50 - 60% хусусий пенсия тизимлари орқали таъминланади. Россияда нодавлат пенсия инфратузилмасини ривожлантириш пенсиянинг иш ҳақи ўрнини босиши коэффициентини ошириш масаласини ҳал қилишга ёрдам берган бўлур эди, ҳозирги кунда бу коэффициент жуда паст бўлиб, тахминан 25% ни ташкил этади. Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларига кўра эса қарилик бўйича нафақа миқдори пенсия олувчининг йўқотилган умумий даромадлари суммасининг камида 40%ни қоплаши лозим.

2014 йилда Россия Федерацияси томонидан қабул қилинган қарорга асосан, жамғариб бориладиган пенсия таъминотида бадал тўлашни тўхтатиш (2014 йил ҳисобидан давлат пенсия фондини балансда ушлаб туриш мақсадида) ҳаттоки 2015 йилда ҳам жорий қилинди. Суғурталанган шахсларнинг маблағлари музлатилган ҳолда давлат пенсия таъминотида ўтказилган, белгиланган тартибда ҳисоблаб қайтарилиш шарти билан.

Бу ҳолатларнинг барчаси нодавлат пенсия жамғармаси учун тақдид солиши ва эҳтимол катта муаммоларга дучор этиши, шу сабабли НПЖМА (Нодавлат пенсия жамғармалари миллий ассоциацияси) пенсия бозорида янгича усул қўллаш орқали такомиллаштириш чора тадбирлари ишлаб чиқишга ундаши керак.

2014 йил якунларига кўра, нодавлат пенсия жамғармаларга рўйхатдан ўтказилган бадал тўловчи шахслар сони 22.1 млн кишини ташкил этган

бўлса, 5.85 млн киши эса 2013 йил тугаши биланок нодавлат пенсия жамғармаларга ўтказилган, 2014 йил 2.3 млн киши давлат пенсия фонидан нодавлат пенсия жамғармасига ўтишига ариза беришган, умумий олганда 2015 йилга келиб улфрнинг умумий сони 30 млн кишини ташкил этади. Бу кўрсаткич умумий МПС (Мажбурий пенсия суғуртаси) тўловчиларнинг 65% ни ташкил этади¹⁴.

Умумий жамғариб бориладиган пенсия маблағлари 2015 йил бошига кўра 3.9 трлн руб ташкил этган бўлса, шундан 2 трлн руб нодавлат пенсия жамғармасига тўғри келади.

1 январ 2015 йил ҳолатига кўра, умумий нодавлат пенсия жамғармалари Россия Федерациясида да 119 тани ташкил этган бўлиб, шундан 90 та фонд мажбурий пенсия суғуртаси сифатида фаолият олиб боради. Жамғариб бориш тизими асосида самарали фаолият олиб бориш борасида, бошқарув компаниялари, махсус депозитарийлар, аудиторлик ташкилотлари, актуарий ва консалтинг компаниялари, махсус турдаги дастурлар билан таъминловчи корхоналар ташкил этилган.

Ҳозирги кунда Россия фуқароларнинг 30 млн дан ортиғи нодавлат пенсия жамғармалари хизматидан фойдаланади. 2015 йил боши ҳолатига кўра нодавлат пенсия жамғармаларга меҳнат иш ҳақининг жамғарилган қисмини ўтказувчилар сони 22,1 млн кишини ташкил этади. Қарийб 6,4 млн киши нодавлат пенсия жамғармаларга ўз ҳоҳишига жамғариб бориш жараёнида эркин қатнашади. Нодавлат пенсия жамғармалардан кўшимча пенсия маблағларини 1,5млн дан зиёд пенсионер олади. Нодавлат пенсия жамғармаси томонидан ўзида қамраб олган суғурта бадали тўловчилар учун, пенсия билан таъминлаш доирасида қоплаш коэффиценти (ўртача ойлик иш ҳақининг қиймати) 12-15% ни ташкил этади.

¹⁴ <http://www.napf.ru/library>



1.1-расм Нодавлат пенсия жамғармасининг захирасини шаклланиш динамикаси(млрд руб)¹⁵

1.1-расмда барчамиз кўриб турибмизки, НПЖ ларнинг пенсия захираси йилдан йилга сезиларли даражада кўтарилиб борган. Қатнашувчилар сони эса 2007 йилдан бошлаб то 2014 йилгача турли хил кўрсаткичда тебраниб турган. Нодавлат пенсия таъминоти доирасида НПЖМА аъзолари ҳисобланган нодавлат пенсия жамғармалар 80.8% ни ташкил этиб, барча пенсия захираларининг 58.1% улуши ҳам НПЖМА таркибига киради.

1.3-жадвал

Россияда фаолият олиб боровчи энг йирик жамғармалар (Суғурталанган шахслар сони)¹⁶

	НПЖ лар (топ 10)	Суғурталанувчилар сони умумий				
		2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	01.10.2015
1	Сбербанка НПФ АО	420 387	671 982	1 061 912	1 059 296	3 081 710
2	ЛУКОЙЛ-ГАРАНТ НПФ ОАО	-	-	-	2 483 660	3 049 521
3	РГС НПФ ОАО	69 143	936 279	1 678 788	1 673 809	2 370 142
4	БУДУЩЕЕ НПФ АО	-	-	-	1 787 751	2 109 597
5	КИТФинанс НПФ ЗАО	732 413	1 359 796	1 988 006	1 978 794	2 094 423
6	Промагрофонд НПФ ЗАО	1 173 653	1 441 410	1 750 081	1 740 611	2 031 524
7	СтальФонд НПФ ОАО	414 289	773 475	1 001 920	999 217	1 360 692
8	ВТБ НПФ АО	387 929	710 719	1 073 122	1 069 898	1 303 269
9	НПФ электроэнергетики ОАО	586 496	754 395	1 096 804	1 092 501	1 257 065
10	НПФ ГАЗФОНД пенсионные накопления	-	-	-	733 908	1 047 922

¹⁵ Напф отчетности2014-2015 33 стр

¹⁶ <http://www.pensiamarket.ru/Ranking.aspx?rank=kzl&type=npf>

1.3-жадвалдан кўриниб турибдики нодавлат пенсия жамғармаларга суғурталанганлар сони йилдан-йилга ўсиш сураътини яққол намоён этган. Бундан хулоса қилиб айтишимиз мумкин, аҳолини ижтимоий қўллаб қувватлашда нодавлат пенсия таъминотининг ўрни ўта муҳим ҳисобланади.

Жами 2013-2014 йиллар мобайнида ҳудудий Россия пенсия фондига 24.8 млн сўровнома келиб тушган бўлиб, шундан 2013 йил 18.1 млн сўровнома тақдим этилган, 2014 йил эса 6.7млн. Барча келиб тушган 24.8млн сўровномалардан 16.6 млн таси кўриб чиқилган ва ижро этишга юборилган.

Натижада 2013-2014йилда юборилган сўровномалар ва ундан кўриб чиқишга таклиф этилганларидан 12.3 млн сўровнома ижобий томонга ҳал этилган. 12.3 млн ижобий ҳал этилган сўровнома вакилларида фақатгина 10.4 млн суғурталанувчи шахслар тўғридан-тўғри 24та нодавлат пенсия жамғармаларга ўтказилган. Қолган 1.9 млн шахснинг сўрови нодавлат пенсия жамғармаларга ўтказилади қачонки, пенсия жамғармаси кафолатланган ягона тизимга ўтказилса. Бу ҳолат 1мартдан то 31 декабр 2015 йил оралиғида ижрога қўйилади.

Юборилган сўровномаси ижобий ҳал этилган фуқароларнинг ёйилмаси:

- 6100 минг фуқаро ўз жамғармаларини РПФ дан НПЖларига ўтказган
- 3500 минг фуқаро бир НПЖ дан бошқа НПЖ га ўтказилган.
- 335.8 минг фуқаро НПЖ дан РПФ га қайтиб келишган.
- 432.7минг фуқаро ўзининг бошқарув компаниясини ўзгартирган.

1 –боб бўйича хулоса

Тадқиқодлар натижасида биринчи боб юзасидан қуйидаги хулосалар тайёрланди:

1. Фуқаролар учун пенсия тизимини ташкил этишда жаҳонга машҳур Германия ва Чили моделлари андоза сифатида танланди. Пенсия таъминотининг икки базавий модели тақсимот-тортилувчи ва капиталлашган моделларидир. Тақсимот модели пенсионерларни ҳозирги вақтда амалда бўлган аҳолининг иқтисодий фаол қатлами ҳисобига таъминлайди. Пенсия

тизимининг капиталлашган модели тақсимотдан фарқли равишда инсоннинг уз меҳнати ва пенсия жамғарилиши натижалари билан узвий боғлиқ. Чили модели-капиталлашган модели схемаси қуйидагича: пенсия бадалларини инвестиция қилишдан ва тўплашдан ҳосил бўлган капитал пенсия харажатларини қоплашга йўналтирилади.

2. Нодавлат пенсия жамғармаси – нотижорат молиявий ижтимоий таъминот ташкилоти бўлиб, пенсия миқдори жамғарилган суммага мутаносиб ёки фуқаро пенсия ёшига етганида белгилаб қўйилган миқдордаги пенсияни тўлаш принципи бўйича ишлайдиган омонат-жамғарма схемаси бўйича фаолият олиб боради. Нодавлат пенсия жамғармасининг фаолияти Пенсия жамғармаси фаолиятига жуда ҳам ўхшаш. Худди Пенсия жамғармаси сингари нодавлат пенсия жамғармаси ҳам пенсия жамғармаларини тўплайди, уларни инвестиция қилинишини, ҳисобга олинишини, меҳнат пенсиясининг жамғариб борилган қисмини тайинлаш ва тўлашни ташкиллаштиради.

3. Нодавлат пенсия жамғармаларининг фаолияти деганда юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсадли пул бадалларини ихтиёрий жалб қилиш йўли билан активларни шакллантириш, бу маблағларни нодавлат пенсия жамғармаларининг активларини бошқариш бўйича компанияларга бериш, фуқароларга умр бўйи ёки узоқ муддат мобайнида мунтазам равишда пул шаклидаги тўловларни амалга ошириш, шунингдек фуқаролар олдидаги мажбуриятларни бажариш бўйича бошқа ҳатти-ҳаракатлар сингари нотижорат фаолият тушунилади.

II БОБ. РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА ХУСУСИЙ ПЕНСИЯ ФОНДЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

2.1. Хусусий пенсия фондлари фаолиятининг амалий таҳлили

Нодавлат пенсия жамғармаларининг фаолияти деганда юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсадли пул бадалларини ихтиёрий жалб қилиш йўли билан активларни шакллантириш, бу маблағларни нодавлат пенсия жамғармаларининг активларини бошқариш бўйича компанияларга бериш, фуқароларга умр бўйи ёки узоқ муддат мобайнида мунтазам равишда пул шаклидаги тўловларни амалга ошириш, шунингдек фуқаролар олдидаги мажбуриятларни бажариш бўйича бошқа ҳатти-ҳаракатлар сингари нотижорат фаолият тушунилади.

Нодавлат пенсия жамғармаси ва нодавлат хусусий бошқарув компанияси аҳоли пенсиясининг жамғариб бориладиган қисмини жалб қилади, бироқ бу тузилмаларнинг мақсади турлича: хусусий бошқарув компанияси активларни ишончли бошқариш учун тузилган бўлса, нодавлат пенсия жамғармаси пенсия тўловини амалга оширади. Юқорида баён этилганларга асосланган ҳолда аниқландики, тадқиқ этилаётган бозорда фақатгина нодавлат пенсия жамғармалари сотувчи бўлиб ҳисобланади. Нодавлат пенсия жамғармалари хизматларининг истеъмолчилари эса жисмоний ва юридик шахслар тимсолидаги жамғармага маблағ қўювчилар ҳисобланишади.

Пенсия таъминоти масалалари ҳар бир кишига тааллуқлидир. Бироқ ҳозирги вақтда аҳолининг аксарияти нодавлат пенсия жамғармалари ҳақида ханузгача аниқ тасаввурга эга эмас, уларнинг мавжудлиги ва улар таклиф этадиган хизматлар ҳақида билмайди.

Нодавлат пенсия таъминоти бўйича хизматлар бозори нодавлат пенсия жамғармасининг унга маблағ қўювчилар (юридик ва жисмоний шахслар)

билан пенсия шартномалари тузиш ва пенсия бадалларини ўтказиш бўйича ўзаро муносабатлари нуқтаи назаридан нодавлат пенсия таъминотини амалга оширишда мавжуд бўлган талаб ва таклифга қараб аниқланади.

Пенсия ислохотининг Чили модели одатда пенсияларни молиялаштиришнинг энг яхши усули ҳақидаги мунозараларда ўзига хос андоза сифатида келтирилади. Шу даврда Чили жамғарма бозорида юз берган катта ўсиш пенсия жамғармаларининг юксак даражада рентабеллигини таъминлади. Ислохотнинг муваффақиятига қулай демографик вазият ҳам имконият яратди. Чилида аҳолининг атиги 8% пенсия ёшида (Россияда 16%) бўлиб, бир пенсионерга 12,8 та ишловчи тўғри келади. Янги пенсия тизими ёлланма ходимларни мажбурий таъминот қилишга асосланади. Ходимлар ўз маошининг 10% ни пенсияни таъминот қилувчи жамғармалар (компаниялар)дан бирига тўлашлари шарт.

Ишчилар пенсия ҳисоб рақамларига ихтиёрий равишда ҳар ойда қўшимча 10 фоиздан ўтказмалар тўлаши мумкин. Бу сумма ҳам даромад солиғига тортилмайди. Ишчилар ўзлари истаган хусусий “пенсия фондларини бошқариш компанияси” яъни “Administradoras de Fondos de Pensiones” (AFP)ни танлайдилар. Бу компаниялар давлат назорати объекти бўлиб, жамғараётган пул маблағларини акция ва облигацияларга инвестициялаши мумкин. Ишчилар бир AFP дан бошқа AFP га ўтишлари мумкин. Шу сабабли ҳам компаниялар ўзаро рақобатлашиб, мижозларга инвестициядан юқори даромадни, хизмат кўрсатиш сифатини юқорилигини ва комисион тўловларни камлигини таклиф этадилар. Ҳар бир ишчига пенсия ҳисоб рақами омонат китобчаси тақдим етилади ва ҳар чоракда унда қанча пул жамғарилгани ва инвестицион фойда қандай бўлганлиги ҳақида маълумот берилади. Ҳозирда мамлакатда 15 та турлича AFP лар фаолият юритмоқда. Улар банклар, суғурта ташкилотлари, касаба уюшмалари ёки йирик ассоциацияларга тегишлидир.

Ислохот даврида учта асосий қоида амал қилди:

1. Мамлакатдаги мавжуд пенсионерларга ушбу ислохот таъсир қилмайди. Уларнинг пенсия таъминотини давлат ўз зиммасига олади.

2. Эски тақсимловчи тизимга бадаллар тўлаган фуқаролар хохишига қўра шу тизимда қолишади. Агар янги тизимга ўтишни исташса, уларга “пенсия мажбурияти еътирофи” номли облигация берилади ва у пенсия ёшида сондирилади.

3. Меҳнат фаолияти билан шуғулланишни бошлаган барча фуқаролар мажбурий равишда янги тизимга қўшилган. Эски тизимга кириш ҳуқуқи еса тўхтатилган.

Янги тизим ёлланиб ишловчи аҳолининг фақат 60 фоизга яқинини қамраб олган. Ноқонуний меҳнат фаолияти доирасидагилар, мустақил банд аҳоли ва тўлиқ ставкада ишламайдиганлар, ишсизлар суғурта бадалларини тўламайдилар. Натижада улар пенсия таъминотидан ўзларини маҳрум қиладилар.

Шунингдек, пенсия омонат счетлари миллий тизимида бугунга келиб 25миллиард АҚШ доллари миқдоридаги инвестицион фонд тўпланган. Бу 14миллионлик аҳоли ва ЯИМ 60 миллиард бўлган ривожланаётган давлат учун катта кўрсаткичдир.

Россияда хусусий пенсия таъминотини такомиллаштириш, тартибга солиш, ислох қилиш, ҳисоботини юритиш, назоратни амалга ошириш ва амалий операцияларни ташкил қилиш НПЖМА(нодавлат пенсия жамғармаси миллий ассоциация) га юклатилган.


31 март 2016 йил ҳолатига кўра НПЖМА аъзолари 70 ташкилотни ташкил этади. Бундан 58 таси НПЖ ҳисобланади, 12 таси эса (бошқарув компаниялари, махсус депозитарийлар, бошқа ташкилотлар иштирок этувчилар).

НПЖМА таркибига кирувчи 44 та нодавлат пенсия жамғармалари ўз фаолиятини амалга оширишда мажбурий пенсия тизимидан фойдаланиш рухсатномасига эга.

НПЖМА нинг таркибига кирувчи НПЖ ларини мулк объектларининг

умумий қиймати 30.09.2015 йил ҳолатига кўра 2610.9 млрд руб ташкил этади.

2014 йилда Пенсия жамғармаларини шакллантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастурининг фаолият олиб бориш шартлари ўзгартирилди. Дастурга 2008 йилнинг 1 октябридан 2014 йилнинг 31 декабрига қадар кирган ва 2015 йилнинг 31 январига қадар биринчи бадални киритганларнинг барчасини, улар 10 йил мобайнида йилига камида 2000 рублдан бадал тўлаб борган тақдирда қонунчиликка киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда давлат келгусидаги пенсиясига кўнгилли бадалларни молиялаштиришни таъминлайди.



2.2-расм Пенсия жамғармаларини шакллантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастурининг қатнашчилари ва тўловчилари ўртасидаги солиштира¹⁷

2014 йилда Дастур қатнашчилари ўзларининг келгусидаги пенсияларига 9,6 млрд. рубль маблағ ўтказдилар. Бунинг устига Дастур бўйича ўртача бадал миқдори ошди, 2013 йилда у 6 963 рублни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда 8498 рублга етди. Бу ҳақиқий бадал тўловчилар сонига мос келади. 2014 йилнинг 31 декабрига келиб аризалар қабул қилиш ниҳоясига етгач, Дастур қатнашчилари сони 15 млн. 934 минг кишига етди.

¹⁷ <http://www.napf.ru/association>

2014 йилда астурунинг янгиланишидан 85 000 киши фойдаланди. Дастурунинг бутун ишлаш вақти давомида унинг иштирокчиларининг ихтиёрий бадаллари суммаси 39,6 млрд. рублдан ошди.

2014 йилнинг II кварталида давлат дастур қатнашчиларининг 2013 йилги бадалларини 12 млрд. 422 млн. рублга молиялаштирди. 2014 йилда тушган бадаллар 2015 йилнинг иккинчи чорагида тахминан 9,43 млрд. рублга молиялаштирилади.

Россиялик 15 млн. 934 минг кишидан фақатгина 6 млн. 116 минг кишигина ҳозир ва кейинги йилларда давлат молиялаштирувига умид қилишлари мумкин (айнан шунча иштирокчи дастурни фаоллаштириш учун биринчи бадални киритишга улгурди).

Россия пенсия тизими қабул қилган ривожланиш стратегиясида илк маротаба пенсия таъминотининг алоҳида таркибий қисмлари учун миқдорий ориентирлар қўйилди:

- Мажбурий пенсия суғуртаси учун алмашиш коэффициентининг ўртача миқдори — 40 %;

- Корпоратив пенсия таъминоти учун — 15 %;


- Ходимлар томонидан (жисмоний шахслар томонидан) шакллантириладиган хусусий пенсиялар учун — 5 %.

Нодавлат пенсиялари соҳа ва ҳудудий ўзига хосликларни, шунингдек индивидуал талабларни, меҳнат фаолиятларини тугатганларидан сўнг моддий таъминотнинг суммар даражасини аниқлашда фуқароларнинг тахминлари ва имкониятларини ҳисобга олиш имконини беради.

Россияда НПЖ кўпроқ корпоратив пенсия тизимларини ривожлантириш йўналишида тараққий этмоқда. НПЖ бўйича тушадиган пенсия бадалларининг 80% га яқини юридик шахслар билан тузилган шартномалар бўйича тушади.

НПЖ нинг бундан кейинги ривожланишининг муҳим шартидавлат, иш берувчилар ва касаба уюшмаларининг ижтимоий ҳамкорлик тамойиллари асосида корпоратив пенсия тизимларини шакллантиришга манфаатли

муносабатлари ҳисобланади.



**2.3-расм Умумий пенсия жамғармаси бўйича юборилган сўровномаси¹⁸
(РДПФ-Россия давлат пенсия фонди, НПЖ-нодавлат пенсия
жамғармаси)**

Нодавлат пенсия жамғармалари (НПЖ) фаолиятининг давлат томонидан бундай фаолиятга ташкилий характер бериш, унда иштирок этадиган субъектларнинг фаолиятини тартибга солиш, уларнинг қонунчиликка риоя этишларини таъминлаш, унинг қатнашчилари ва суғурталанган шахслари, бошқа манфаатдор шахслар ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш, жамғармалар фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашиш, уларнинг фаолият олиб боришини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш мақсадида тартибга солинишини давлатнинг ваколатли давлат органлари тимсолида жамғармалар фаолиятининг барча босқичларига таъсири сифатида аниқлаш мумкин.

Хусусан, Нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши қуйидагилар томонидан амалга оширилади:

- Россия Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий ривожлантириш

¹⁸ www.npfr.ru/otchet/2014-2015/npf/deyatelnost

вазирлиги томонидан жамғарма ва унинг иштирокчилари, суғурталанган шахслар ва уларнинг ҳуқуқий ворислари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар, шунингдек субъекти Россия пенсия жамғармалари ҳисобланган юридик шахсларнинг ҳуқуқий муносабатлари соҳасида:

- Россия Банки (илгари молиявий бозорлар бўйича Федерал Хизмат) нодавлат пенсия таъминоти бўйича бошқа барча ҳуқуқий муносабатлар.

Давлат томонидан тартибга солиш механизми кенг маънода қўйилагиларни ўз ичига олади: прогноз қилиш, режалаштириш, молиялаштириш, бюджетлаштириш, солиққа тортиш, лицензия бериш, кредитлаш, бошқариш, ҳисобга олиш, назорат қилиш, текшириш.

Нодавлат пенсия жамғармалари фаолияти соҳасини назорат қилиш учта асосий функциялар гуруҳидан иборат:

1) лицензион, нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятини лицензиялашни ўз ичига олади;

2) меъёрлаштириш, қонуности меъёрий ҳужжатларини нашр этишни ўз ичига олади;

3) назорат, бевосита молиявий назоратни ўз ичига олади.

2.2 Хусусий пенсия фондларининг даромадлари ва харажатларининг умумий таҳлили

Жамғармаларнинг устав фаолиятидан олинган даромадларига қўйидагилар киради:

-пенсия заҳираларини жойлаштиришдан олинган даромадлардан жамғарманинг нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ амалга ошириладиган устав фаолиятини таъминлаш учун мўлжалланган мол-мулкни шакллантиришга йўналтирилган ажратмалар; устав фаолиятини таъминлаш учун мўлжалланган мол-мулкни қимматли қоғозларга жойлаштиришдан, инвестицияларни амалга оширишдан ва Солиқ кодекси орқали тегишли турдаги даромадлар учун ўрнатилган тартибда

аниқланадиган бошқа қўйилмалардан олинадиган даромадлар киради.

-меҳнат пенсияларининг жамғарма қисмини молиялаштириш учун мўлжалланган пенсия жамғармалари маблағларини инвестиция қилишдан олинган даромаддан Россия Федерациясининг нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисидаги қонунчилигига мувофиқ амалга ошириладиган устав фаолиятини таъминлаш учун мўлжалланган мол-мулкни шакллантиришга йўналтирилган ажратмалар;

-пенсия бадаллари суммасининг нодавлат пенсия таъминоти шартномасига асосан жамғарманинг пенсия қоидаларига мувофиқ унинг устав фаолиятини таъминлаш ва Россия Федерациясининг нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисидаги қонунчилигига мувофиқ маъмурий харажатларини қоплаш учун мўлжалланган мол-мулкни шакллантириш учун йўналтириладиган қисми.

-Нодавлат пенсия жамғармалари учун харажатлар пенсия заҳираларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар билан боғлиқ харажатлар, пенсия жамғармалари маблағларини инвестиция қилишдан олинадиган даромадлар билан боғлиқ харажатлар ва кўрсатилган жамғармаларнинг устав фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар бўйича алоҳида-алоҳида аниқланади.

Нодавлат пенсия жамғармаларининг харажатлари — бу авваламбор пенсия тўловлари, шунингдек шартномалар бекор қилинганда жамғармага пул қўйганларга пулни қайтариб беришни ўз ичига олади. Бундан ташқари, жамғармаларнинг ташкилот сифатида фаолият кўрсатиши ҳам маълум бир харажатларни талаб қилади.

Нодавлат пенсия жамғармаларининг пенсия заҳираларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлари билан боғлиқ харажатларига қуйидагилар киради:

-пенсия заҳираларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан компания бошқарувчисига пул мукофоти, депозитарий, қимматбаҳо қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларига тўланадиган пул мукофотлари;

-Пенсия захиралари жойлаштирилган мол-мулкни сақлаш, соз ҳолатда тутиш ва Россия Федерацияси қонунчилигига мувофик баҳолаш билан боғлиқ мажбурий харажатлар;

-Россия Федерацияси қонунчилигига мувофик ушбу жамғармаларнинг устав фаолиятининг амалга оширилишини таъминлаш учун мўлжалланган, харажатлар таркибида ҳисобга олинadиган мол-мулкни шакллантириш учун ажратмалар;

-Россия Федерациясининг нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисидаги қонунчилигига мувофик ва Россия Федерацияси ҳукумати томонидан ўрнатилган тартибда амалга ошириладиган суғурта заҳирасини нодавлат пенсия таъминоти жамғармаси кенгаши томонидан ўрнатилган суғурта заҳираси миқдорига етгунга қадар, бироқ пенсия мажбуриятларини қоплаш заҳираси миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдоргача шакллантириш учун ажратмалар.

Нодавлат пенсия жамғармаларининг устав фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ харажатларга қуйидагилар киради:

-Россия Федерациясининг нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисидаги қонунчилигига мувофик нодавлат пенсия таъминоти шартномаларини ва мажбурий пенсия суғуртаси шартномаларини тузиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш;

-актуарийлар хизматига ҳақ тўлаш;

-пенсия гувоҳномалари (полислар), қатъий ҳисобда турадиган бланклар, квитанциялар ва шунга ўхшаш бошқа ҳужжатларни тайёрлаш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш;

-Россия Федерациясининг нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисидаги қонунчилигига мувофик пенсия ҳисоб варақларини юритиш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш;

-нодавлат пенсия таъминоти бўйича фаолият билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Агар пенсия тўловлари ва шартнома муддатидан илгари бекор

килинганида тўлаб бериладиган сумма пенсия заҳиралари ҳисобидан амалга оширилса, нодавлат пенсия жамғармаларининг фаолиятини жорий молиялаштириш учун манбалар рўйхати анчагина кенгдир. “Нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисида”ги қонунда (17-модда) “жамғарма устав фаолиятини таъминлаш учун мўлжалланган мол-мулкни” шакллантириш учун қуйидаги мумкин бўлган манбалар санаб ўтилади:

- таъсисчиларнинг умумий улушлари (таъсисчининг улуши);
- жамғармага пул кўювчиларнинг мақсадли бадаллари;
- жамғарманинг пенсия заҳираларини жойлаштиришдан олган даромадининг бир қисми;
- пенсия бадаллари суммасининг бир қисми (агар бу жамғарма қоидалари ва пенсия шартномасида кўзда тутилган бўлса, бадал суммасининг У/о дан баланд бўлмаган миқдорда)
- жамғарма устав фондини таъминлаш учун мўлжалланган мол-мулкдан фойдаланишдан (шу жумладан жойлаштиришдан) олинган фойда;
- ҳомийлик бадаллари ва бошқа қонуний тушумлар.

Сўнгги беш йил мобайнида нодавлат пенсия жамғармалари ривожланди, уларнинг иштирокчилари сони ошди ва шунга тегишли равишда жамғармаларнинг тушумлари ҳам кўпайди, шу сабабли уларнинг маблағларни сарфлаш ҳажмлари ҳам ортмоқда.

Россия НПЖ ларининг ҳозирги ҳолатидаги фаолиятини таҳлил қилиб қуйидагиларни келтириб чиқардик:

2014 йил натижалари бўйича пенсия жамғармаларини инвестициялашнинг ўртача фойдалилиги 4,88% ни ташкил қилди, бу гарчи кенгайтирилган портфель бўйича ВЭБ(Внешэкономбанк) фойдадалилик даражасидан, шунингдек хусусий бошқарувчилик компаниялари ўртача фойдалилик даражасидан сезиларли ошсада, 2014 йилги инфляция даражасидан (11,4 %) анчагина паст демакдир. Учта жамғарма инфляция даражасидан ошадиган ёки инфляция кўрсаткичларига яқинлашадиган максимал фойдалалик даражасини намоён этишди: булар:


«Башкомснаббанк» НПЖ (42,24 %) , «Адекта — Пенсия» НПЖ (11,22 %) «Европейский ПФ» НПЖ АЖ(11,12 %).

Ўртачадан баланд фойдалилик даражасини кўрсатган жамғармалар сони – 37 та. Фойдалилик даражаси паст жамғармалар 6 та. НПЖларига жамғариб бориладиган пенсияни шакллантиришни амалга оширадиган суғурталанган шахсларнинг ҳисобидаги ўртача пул маблағи 2015 йилнинг 1 январь ҳолати бўйича 51, минг рублни ташкил этди ва бир йилда 4,1 5 га ўсди, бу инвестициялашнинг ўртача фойдалилик даражасига тўғри келади, чунки 2014 йилда НПЖларига пенсия бадалларини ўтказиш амалга оширилмади. Алоҳида жамғармалар бўйича ўртача ҳисоб миқдори 28,9 минг. рублдан (ОАО НПФ «Согласие») 131,5 минг. рублгача (НПФ «Транснефть») бўлган ораликда ўзгариб турди.

Қонун амалда бўлган вақт мобайнида Россия пенсия жамғармаларига 4,68 млн. суғурталанган шахслар томонидан тўловлар амалга оширилди, шундан 4,54 млн.таси (97,02 %) бир марталик тўловни амалга оширган. Нодавлат пенсия жамғармаларига эса бу вақт ичида 978,5минг. киши ҳаммаси бўлиб 10,8 млрд. рубль миқдорида тўловни амалга оширган¹⁹.

Россияда 2014 йил якунларига кўра НПЖ лар давлат бошқарув компанияларига қараганда кўп даромадга эришган. Россия марказий банкининг маълумотларига таянган ҳолда, НПЖларнинг жамғарилган суммадани инвеститсия қилишдан олинган даромадлилиги ўртача 4.9 % ни ташкил этган. Минимал кўрсаткич 0.2% бўлса, максимал даромад 52% ни ташкил этган. Максимал натижага эришган жамғарма валюта фондида иштирок этиб юқори даромад сазовари бўлди. 2014 йил давомида Россиянинг НПЖлари асосан давлат облигацияларига маблағни жойлаштиришган шу сабабли ҳам стабил даромадга эришишган. Ҳозирги кунда Россия бозор иқтисодиётида кескин чайқалишлар оқибатида НПЖ ларнинг тутган сиёсати ҳам юқорида келтирилган инструментларга тўғри келади.

¹⁹ Отчет национальной ассоциации негосударственных пенсионных фондов 2014-2015г



2.4-расм Йиллик нодавлат пенсия жамғармаси ва давлат бошқарув компанияларининг даромадлари, (%)да²⁰

Марказий банк таъкидлашича, НПЖ лар жамғарилган маблағларни 41 %ни облигацияга 8% ни эса акцияларга жойлаштиришган. Жамғарилган суммани аҳамиятли қисми банк депозитлари ва ҳисоб рақамларда сақланган(35%). Марказий банк ушбу статистика маълумотиға мисол қилиб 24та НПЖ ни олган қайсики ушбу жамғармалар кафолатли хизмат кўрсатиш тизимига ўтганлиги учун. НПЖ бозорида ушбу фондларга 84% лик улуш тўғри келади.

2014 йилда инфляция кўрсаткичлари 11% ни ташкил этган бўлишига қарамадан НПЖ Россия ВЭБ(Внешэкономбанк) га нисбатан даромад кўришда баланд натижа кўрсатди.

Нима учун НПЖ ва Бошқарувчи компаниялар катта даромад беришини тушуниш учун Давлат бошқарув компанияси ва НПЖ инвестициялаштириш жараёнлари нимаси билан фарқ қилишини аниқлаштириб олиш керак, бунда ҳаёт қоидаларига кўра келгусидаги пенсия ортиқча хавф остига қўйиладиган объектларга кирмаслигини ҳам ёдда тутиш зарур.

Инвестициялашнинг асосий қонуни: ўз зиммасига катта хавфни олган инвестор катта даромад олишни кўзлашга ҳақли. Шунини тушуниш муҳимки,

²⁰ www.finance.ru/2014zarabotali/bolshe/chem/gosudarstvo

даромад ва хавф – бу бир-бирига боғлиқ бўлган тушунчалар ва бу ерда тескари тасдиқ ҳам ўринли бўлади: катта фойда олиш учун инвестор ўз зиммасига катта хавфни олишига тўғри келишига ҳам тайёр бўлиши керак.

Акциялар бозорида ишлаш зарурияти пенсия воситаларини инвестициялаштиришга ёндошишни тубдан ўзгартирди. Илгари бошқарувчилар “сотиб ол ва ва қўлингда тутиб тур” қондасига амал қилишган. Бунинг моҳияти инвестиция портфелига сифатли молиявий воситани танлаб олиш, уни сотиб олиш ва ўз вазифасини адо этилди деб ҳисоблашдан иборат эди. Бундай стратегия барқарор ўсадиган бозорда ўринли бўлади. Кейинги ўн йил ичидаги амалиёт бундай ёндошувни тубдан ўзгартириб юборди. Эндиликда бошқарувчилар активларни сақлаб қолинишини таъминлаш учун турли даражадаги хавфларни динамик назорат қилишга асосий урғуни қаратадилар.

2.3. Хусусий пенсия фондларининг иқтисодиёт тараққиётига таъсирининг таҳлили

Нодавлат пенсия жамғарманинг ўзига хос хусусияти унга маблағ қўювчилар ва қатнашчилари билан молиявий муносабатларининг ҳаддан ташқари узоқ муддатли эканлигидир, ва айнан шу факт тижорат банклари, пайли инвестиция жамғармалари ва молиявий бозорнинг бошқа профессионал қатнашчиларидан фарқли улароқ уларга ҳар хил хавфларни (рисklarни) минималлаштириш ва ҳаттоки бундай хавфларни четлаб ўтиш имконини беради.

Узоқ вақтлардан бери фаолият юритиб келаётган хорижий жамғармаларда пенсияни тўлаш бўйича мажбуриятларнинг йиллик ҳажми уларда тўпланган маблағ ҳажмининг 6-8% дан ошмайди, бинобарин НПЖ сингари структуралар молиявий кризислар ва фонд бозори кризисларини енгил ўтказади. Бироқ биз илгари айтиб ўтганимиздек, НПЖ ташқи хавфларга таъсир кўрсата олмайди ва шу сабабли барча нодавлат пенсия

жамғармалари бир вақтнинг ўзида бундай хавфларга учрайди. Ички хавфлар билан вазият эса тамоман бошқача, улар индивидуал характерга эга бўлиб, маъмурий бошқарув хавфи, пассивларни бошқарув хавфи ва активларни бошқарув хавфларидан иборат.

Нодавлат пенсия жамғармаларида кризислар эҳтимоли анчагина паст. Барча ривожланган мамлакатларда НПЖ таъсисчилари ва унга маблағ кўйувчиларнинг лойиҳаларига, пенсия заҳираларига муайян чегарадан ортиқ инвестиция қилишни тақиқловчи қонунлар амал қилади. Россияда НПЖ ўз пенсия резервларининг 10% дан ортиғини барча таъсисчиларнинг қимматли қоғозларига инвестиция қилишга ҳақли эмас. Бунинг устига, бундай қимматли қоғозлар Россия биржаларидаги олий даражали котировка рўйхатларига киритилган бўлиши керак. Пассивларни бошқариш rischi авваламбор мавжуд пенсия мажбуриятларини баҳолаш ва ҳисоб-китоб қилишда хато қилиш хавфидан ва янги мажбуриятларни шакллантиришда хатога йўл қўйиш хавфидан иборат.

НПЖ ларни жамланган маблағларини инвеститсия ўрнида фойдаланиш ва уни амалий тадбиқ этиш шарт шароитларини меёрий-ҳуқуқий нормаларга таянган ҳолда кўриб чиқамиз.

Пенсия резервлари воситаларини жойлаштириш ва пенсия жамғармалари воситаларини инвестиция қилиш тамойиллари²¹:

Пенсия резервлари воситаларини жойлаштириш ва пенсия жамғармалари воситаларини инвестиция қилиш қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

- 1.Кўрсатилган маблағларнинг сақланишини таъминлаш;
- 2.Инвестиция портфелининг фойдалилиги, диверсификацияси ва ликвидлигини таъминлаш;
- 3.Миқдорий жиҳатдан ўлчанадиган объектив критерийлар асосида

²¹ Федеральный закон от 24.07.2002 № 111-ФЗ «Об инвестировании средств для финансирования накопительной части трудовой пенсии в Российской Федерации».

инвестиция стратегиясини аниқлаш;

4.Қимматли қоғозлар ишончлилигини ҳисобга олиш;

5.Пенсия резервлари воситаларини жойлаштириш ва пенсия жамғармалари воситаларини инвестиция қилиш жараёнининг маълумотлари жамғарма, унга маблағ қўювчилар, штирокчилари ва суғурталанган шахслар учун очиқ бўлиши;

6.Пенсия резервлари воситаларини жойлаштириш ва пенсия жамғармалари воситаларини инвестиция қилиш жараёнининг давлат, жамоат назорати ва текширувчи органлари, ихтисослаштирилган депозитарий учун шаффофлиги, ва уларнинг назорати остида бўлиши;

7.Инвестиция жараёнларининг профессионал бошқарилиши.

Жамғармалар томонидан пенсия резервлари воситаларини Россия Федерацияси давлат қимматли қоғозларига, банк депозитларига ва Россия Банки томонидан кўзда тутилган бошқа инвестиция объектларига жойлаштирилиши Россия Федерацияси қонунчилигига мувофиқ равишда амалга оширилади.

Пенсия резервлари таркибини ва тузилмасини шакллантиришга бўлган талаблар Россия Банки томонидан аниқланади. Пенсия резервлари маблалари жойлаштирилган кўчмас мулкни, шунингдек Россия Банки меъёрий ҳужжатлари орқали кўзда тутилган бошқа мол мулкни баҳолаш жамғарма кенгаши томонидан белгиланган шахс билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Кўрсатилган мол-мулкни баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг нусхаси жамғарманинг ихтисослаштирилган депозитарийсига ва Россия банкига тақдим этилади.

1998 йил 29 июлдаги N 135-ФЗ-сонли “Россия Федерациясида баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Федерал қонун талабларига жавоб берадиган ва жамғарманинг, уни бошқарувчи компаниянинг, ихтисослаштирилган депозитарийнинг ва мажбурий аудит ўтказиш учун шартнома тузилган аудиторлик ташкилотининг аффилирланган шахслари ҳисобланмайдиган жисмоний ва юридик шахслар билангина тузилиши мумкин.

Бунда мол-мулкни баҳолаш уни харид қилиб олинаётганда, шунингдек Россия Банки меъёри ҳужжатлари орқали бошқача даврийлик белгиланмаган бўлса, йилига камида бир марта ўтказиб турилиши керак.

Ушбу бандга мувофиқ кўзда тутилган мол-мулкни баҳолаш бўйича шартнома тузилган шахслар жамғармага етказилган, ушбу шахслар томонидан имзоланган ҳисоботда кўрсатилган объектнинг бозор нархи ёки бошқа нархидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда юзага келган зарар учун жамғарма олдида жавобгар бўладилар.

Жамғарма компания бошқарувчиси билан ишончли бошқарув шартномасини тузади, унинг мажбурий шартлари Россия банки томонидан аниқлаб берилади.

Пенсия резервларини маблағларини жойлаштириш ва пенсия жамғармалари маблағларини инвестиция қилиш жамғармалари фаолияти тадбиркорликка кирмайди.

Пенсия резервларини маблағларини жойлаштириш, шу жумладан жамғарма томонидан қабул қилинган пенсия резервларини шакллантириш, ҳисобга олиш ва жойлаштиришнинг усулига қараб унинг ўзига хос жиҳатларини белгилаш, шунингдек уларнинг жойлаштирилиши устидан назорат ўрнатиш тартибини белгилаш Россия Банки томонидан амалга оширилади²².

Пенсия резервлари маблағларини жойлаштириш ва пенсия жамғармалари маблағларини инвестиция қилишдан олинган даромаднинг тақсимланиши қуйидагилардан иборат:

1. Пенсия резервлари маблағларини жойлаштиришдан олинган даромад пенсия резервлари маблағларини тўлдириш ва жамғармаларнинг устав фаолиятини таъминлаш учун мўлжалланган мол-мулкни шакллантиришга йўналтирилади.

2. Пенсия жамғармалари маблағларини инвестиция қилишдан

²² Федеральный закон Российской Федерации от 15.12.2001 г. № 167-ФЗ «Об обязательном пенсионном страховании в» (в редакции Федерального закона от 03.12.2011 № 379-ФЗ).

олинган даромад пенсия жамғармалари маблағларини тўлдириш ва жамғармаларнинг устав фаолиятини таъминлаш учун мўлжалланган мол-мулкни шакллантиришга йўналтирилади.

Тўлов резервлари маблағларини инвестиция қилишдан олинган даромад тўлов резервлари маблағларини тўлдириш ва жамғармаларнинг устав фаолиятини таъминлаш учун мўлжалланган мол-мулкни шакллантиришга йўналтирилади.

3. Устав фаолиятини таъминлаш учун мўлжалланган мол-мулкни шакллантиришга пенсия резервлари маблағларини жойлаштиришдан олинган даромаднинг 15 фоиздан ортиғи, шу жумладан компания бошқарувчисига ва ихтисослаштирилган депозитарийга тўланадиган мукофот пуллари чегириб ташлангандан кейин қолган тўлов резервига киритилган пенсия жамғармалари маблағларини инвестиция қилишдан олинган даромаднинг 15 фоиздан ортиғи йўналтирилиши мумкин эмас.

Низомга мувофиқ 2015 йилнинг 1 июлидан бир юридик шахс (бир-бирига боғлиқ юридик шахслар гуруҳи) томонидан чиқарилган ёки таъминланган ёхуд суғуртаси остидаги қимматли қоғозлар, бундай юридик шахснинг (кредит ташкилотларнинг бир-бирига боғлиқ юридик шахслар гуруҳига кирадиган шахсларнинг) банк депозитларидаги ва ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари НПЖ портфели умумий нархининг 25 фоизидан ошмаслиги керак. Бундай юридик шахсларнинг муддати ўтишига уч ойдан кўп вақт қолган акциялари, облигациялари ва банк депозитлари жамғарманинг инвестицион портфелининг 15 фоизидан ошмаслиги зарур. Кредит ташкилотларнинг ва банк гуруҳига кирадиган бошқа эмитентларнинг қарзни қайтариш муддати уч ойдан кўп бўлган облигациялари жамғарманинг инвестицион портфелининг 4 фоизидан ошмаслиги зарур. Россия Банки томонидан хорижий инвестиция жамғармаларининг пайи (акция, улуши) рўйхати аниқлаб берилди. Уларга хорижий биржа фондлари (ETF) киради, уларнинг инвестицион стратегияси S&P500, FTSE, MSCI индексларини реплицировкасини (фойдалаликни такрорлашни) кўзда тутди.

Бундан ташқари, кредит рейтингини аниқлаш тартиби ўзгартилди. Илгари, пенсия жамғармалари фаолиятини тартибга солиш мақсадлари учун рейтингларга қўйиладиган талабларни белгилашда ушбу рейтинг агентлиги рейтингларидан фойдаланиларди, булар: Fitch-Ratings, Standard & Poor's и Moody's Investors Service.


Эндиликда рейтинг агентлиги Россия банки директорлари кенгаши қарори орқали аниқланади. Пенсия жамғармаларини инвестициялаштириш учун қимматли қоғозлар Россиянинг ҳеч бўлмаган битта биржасининг юқори даражадаги котировка рўйхатига киритилган бўлиши керак. Субординацияланган облигацияларнинг, қимматли қоғозларнинг чиқарилишига Россия банки директорлари кенгаши томонидан ўрнатилганидан паст бўлмаган узоқ муддатли кредитга лаёқатлилиқ рейтингини берилган бўлиши керак. Рейтинг бўлмаганида эмитентнинг рейтингини ҳисобга олинади.

Россия ҳукуматининг пенсия тизимида жамғариб бориладиган элементни қайтариш ҳақидаги қарори пенсия маблағларидан узоқ муддатли иқтисодий ўсишнинг маблағи сифатида фойдаланишнинг самарали схемасини ишлаб чиқишни талаб этади.

Пенсия жамғармалари ва пенсия резервлари бугунги кунда реал иқтисодда уч йўналиш бўйича ишлайди:

- давлат-хусусий шерикчилик лойиҳаларини кредитлашда;
- узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини қарзга молиялаштиришда;
- акционерлик капиталида иштирок этиш;

Хавф даражаси юқорироқ бўлган воситалар улушидаги фарқ (пенсия резервлари портфелидаги акциялар ва пайларнинг 41% ҳамда пенсия жамғармалари портфелидаги акцияларнинг 6,72% орасидаги фарқ кўпчилиқ ҳолатларда уларнинг 2014 йил натижалари бўйича фойдалилик даражалари орасидаги фарқни англатади (тегишлича равишда 1,93% ва 4,88 %).



2.5-расм Нодавлат пенсия жамғармаларини инвестиционал портфел структураси²³


НПЖ нинг активлари йилдан йилга ўсгани билан, гигант инситутсионал инвестор сифатида Россияда қабул қилинганича йўқ. МБ маълумотиға кўра умумий Россияда мавжуд кредит фаолиятини юритувчи ташкилотлар активлари 41.6трлн руб ташкил этади²⁴. Шундан 1.47трлн руб НПЖ лар улушига тўғри келса, суғурта компанияларида бу кўрсаткич 1.2трлн руб ташкил этади. Бошқарув компаниялари 2.5трлн руб ни ташкил этувчи улуш эгалари (2.5расм).

Нодавлат пенсия жамғармаларига маблағ қўювчилар учун инвестицион стратегиялар мультипортфелларни амалиётга жорий этиш орқали аниқланади, бу эса жамғармага ҳар бир маблағ қўювчига ўзи нимани маъқул деб топишига асосланиб ўз пенсия жамғармаларини бошқариш масалаларида инвестицион қарорлар қабул қилиш имконини беради.

²³ Отчет напф 2014-2015г 44стр

²⁴ РФ Марказий Банки, http://www.cbr.ru/analytics/bank_system/svst01012012.pdf

²⁴ npf.investfunds.ru



2.6-расм Россия молия бозорини активларда улушларга ёйما ажратмаси²⁵

2.6-расмда кўрганимиздек ҳозирги иқтисодий таҳлилда фақатгина Россия банклари улкан устунликни ушлаб туришибди. Банкларнинг активлари ҳаттоки Россия ЯИМ га ҳам тенг кела олиши мумкин. НПЖ лар кўриб турганимиздек фақатгина бошқарув компанияларидан ортда қолмоқда. Демак бундан хулоса қилиб, келажакда НПЖ нинг ҳам кредит ташкилотлар орасида мувоффақиятларга эришишини кутишимиз мумкин. Сабаби НПЖ лар ҳам банклар қатори инвестиционал молиявий институт ҳисобланади.

II боб бўйича хулоса

Ушбу Бобни кўриб чиқиб қуёдаги хулосага келдик:

1. Нодавлат пенсия жамғармасининг унга маблағ қўювчилар (юридик ва жисмоний шахслар) билан пенсия шартномалари тузиш ва пенсия бадалларини ўтказиш бўйича ўзаро муносабатлари нуқтаи назаридан нодавлат пенсия таъминотини амалга оширишда мавжуд бўлган талаб ва таклифга қараб аниқланади.

2. Россияда нодавлат пенсия жамғармаларни такомиллаштириш, тартибга солиш, ислоҳ қилиш, ҳисоботини юритиш, назоратни амалга

²⁵ Пенсионное обеспечение России, НПФ, энциклопедия, аналитика, рейтинги (<http://npf.investfunds.ru>)

ошириш ва амалий операцияларни ташкил қилиш нодавлат пенсия жамғармаси миллий ассоциацияга юклатилган.

3. Россияда нодавлат пенсия жамғармасининг бундан кейинги ривожланишининг муҳим шартидавлат, иш берувчилар ва касабаяушмаларининг ижтимоий ҳамкорлик тамойиллари асосида корпоратив пенсия тизимларини шакллантиришга манфаатли муносабатлари ҳисобланади.

4. Россияда 2014 йил якунларига кўра нодавлат пенсия жамғармалар давлат бошқарув компанияларига қараганда кўп даромадга эришган. Россия марказий банкининг маълумотларига таянган ҳолда, НПЖларнинг жамғарилган суммадани инвеститсия қилишдан олинган даромадлилиги ўртача 4.9 % ни ташкил этган. Минимал кўрсаткич 0.2% бўлса, максимал даромад 52% ни ташкил этган. Максимал натижага эришган жамғарма валюта флндида иштирок этиб юқори даромад сазовари бўлди. 2014 йил давомида Россиянинг НПЖлари асосан давлат облигацияларига маблағни жойлаштиришган шу сабабли ҳам стабил даромадга эришишган.

5. Инвестициялашнинг асосий қонуни: ўз зиммасига катта хавфни олган инвестор катта даромад олишни кўзлашга ҳақли. Шунитушуниш муҳимки, даромад ва хавф – бу бир-бирига боғлиқ бўлган тушунчалар ва бу ерда тескари тасдиқ ҳам ўринли бўлади: катта фойда олиш учун инвестор ўз зиммасига катта хавфни олишига тўғри келишига ҳам тайёр бўлиши керак.

III БОБ. РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА ХУСУСИЙ ПЕНСИЯ ФОНДЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИ ТАЖРИБАЛАРИДАН ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЁТИДА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯЛАРИ

3.1. Ўзбекистонда пенсия таъминоти ҳолати, ривожланиш тенденция ва муаммолар

Бирон бир соҳа ёки тизимни олмайликки унда кузатиладиган муаммога дуч келамиз. Ҳоҳ у иқтисодий, ҳоҳ ижтимоий соҳа бўлсин. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар бир соҳани мукамал даражага олиб келиш учун қийинчиликлар ва тўсқинликларга дуч келишига гувоҳ бўлганмиз. Шундан келиб чиқиб айтиш жоизки, пенсия таъминоти билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий тизимда кўп муаммолар мавжуд. Умуман олганда, давлатнинг аҳолини пенсия билан таъминлашда ва уларни қариликда, ногиронликда, боқувчисини йўқотганда ижтимоий ҳимоя қилиш улкан вазифа ҳисобланади. Албатта ҳар бир фуқаро пенсия ёшига етган ва у пенсия ҳуқуқуни қўлга киритганда, барча еҳтиёжларини қоплаш учун етарли маблағга эга бўлишни ва тўла-тўқис ҳаёт кечиришни ҳоҳлайди. Ана шу ҳоҳиш ва истакларни рўёбга чиқишига пенсия тизимидаги муаммолар тўсқинлик қилиши мумкин.

Ўзбекистонда фуқароларнинг ижтимоий кафолатларни молиялаштириш ва ижтимоий зиддиятларни ҳал қилишда ҳамда иқтисодий муаммоларни бартараф етишда Ўзбекистон Республикасида Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси муҳим аҳамиятга эга. Бутун ислохотлар жараёнида республикада аҳолининг ижтимоий ҳимоясини қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қонунчилик ҳамда ҳуқуқий асосларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш масалаларига жуда катта аҳамият берилади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, энг аввало, инсон манфаатларини кўзлайди.

Давлат пенсия таъминотининг молиявий муаммолари эса кўп жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан

ташқари Пенсия жамғармасы ривожлантиришга боғлиқ бўлади. Пенсия тизимида кўплаб имтиёзлар мавжудлиги, пенсияга қўшиб бериладиган устамаларнинг пенсия жамғармасидан тўланиши, пенсиялар микдорларида суғурта «стажига» емас, балки, «иш стажига» қараб ҳисобланиши Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасида муаммоларни вужудга келтирди. Пенсия жамғармасининг даромадлар қисмида даромадлар манбаларини кўпайтириш ва барқарорлаштириш, молиявий ресурсларини самарали бошқариш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишни тақозо етмоқда.

Ҳисоб-китобларни бугунги кундаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан ёки жами меҳнат ҳақи фондиға нисбатан аниқлаганда натижа, албатта, корхона учун янада юқори бўлишини кузатиш мумкин. Бу ҳолат қайси нисбатда бўлиши керак, - деган савол туғилади. Тўғри барча тўловлар ва ушланмаларни олиб ташлаш мумкин емас, негаки улар давлат мақсадли жамғармаларнинг даромад манбалари бўлиб, мақсадли характерға еға. Лекин бу ерда гап уларни камайитириш ёки олиб ташлаш тўғрисида емас, балки имкон қадар оптималлаштириш ҳақида кетмоқда. Қатор йиллар давомида давлатнинг ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш борасидаги ҳаракатлари натижасида Пенсия жамғармасиға тўланадиган ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 25 фоизға туширилди. Лекин бу ерда фақат уларнинг фоиз ставкаларини тушириш ҳақида ҳам эмас, балки ажратмалар объектини тўғри танлаш мезонлари ҳақида ҳам гап бориши керак.

Меҳнат ҳақидан ажратмалар, солиқлар ва турли ушланмалар суммасининг юқори даражаси иш берувчиларни доимо мазкур харажат моддасини имкон қадар камайитиришға ва уни оширмасликка ундайди. Шу сабаб меҳнат ҳақининг ходим қўлиға тегувчи қисми билан унинг номидан корхона томонидан тўланадиган турли тўловлар (ажратмалар, солиқлар, ушланмалар) суммаси орасидаги нисбат қатъий нормада белгиланиши лозим. Иш берувчининг ўз ходимларига меҳнат ҳақини кўпроқ ёки ортиқча ҳисоблаши самарасиз воситаға айланар экан, бу ҳолат уни меҳнат ҳақини

беришни ҳисобдан ташқари йўлларни ахтаришга ундайди ва бунга мойиллик доимо устун бўлади.

Бизда ҳам халқаро амалиётда ҳам меҳнат ҳақини беришда кўпинча конверт усулидан фойдаланилади. Бунинг учун аслида илдизи меҳнат ҳақидан тўловлар, ажратмаларга бориб тақалади. Шу сабабли, меҳнат ҳақини қайси шаклда ҳажмда тўлашдан қатъи назар тўловларнинг шундай тартибини жорий этиш лозимки, бу тартиб иш берувчи ва ишловчининг егоистик қизиқишларига устунлик бермайдиган, шу жумладан, ижтимоий жиҳатдан мақбул тизимни шакллантириши керак. Шунингдек, меҳнат ҳақи ва ундан ажратмалар, ушланмалар даражасини белгилашда давлат сиёсатини ҳам узвий алоқадорлигини таъминлаши лозим.

Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш соҳасидаги асосий вазифа пенсия жамғармасига тўланадиган бадаллар ва пенсия тўловлари миқдори ўртасидаги узвий боғлиқликни ўрнатишдир. Бу ишчиларнинг бадаллар тўлашдан манфаатдорлигини ошириш, бюджетга оғирликни камайтириш мақсадида давлат тизими миқдорини қисқартириш, ишчилар ва иш берувчилар тўлайдиган бадал ставкасини пасайтириш ва келажакда жамғариш тизимини амалга оширишга замин тайёрлаш учун зарурдир. Бундай ҳолатга бирдамлик тақсимлаш даражасини шартли-жамғариш чизмасига айлантириш ёки иш ҳақига боғланган, белгиланган тўловли чизмани ўзгартириш ва қисқартириш орқали эришилади.

Мамлакатларнинг кўп даражали пенсия тизимига ўтишига мувофиқ, хусусий пенсия жамғармаларини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, ҳисоб-китлоларни олиб бориш, бадалларни йиғиш, хусусан, пенсия жамғармалари фаолияти устидан назорат юритиш ва тартибга солиш бўйича институционал салоҳиятни шакллантириш каби муаммоларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

Хусусий пенсия фондларининг шаклланиши ҳам айнан жамғариш усули орқали вужудга келган десак янглишмаган бўламиз. Жамғариб бориш усули бу нафақат мажбурий ўтказмалар балки ихтиёрий бадал ўтказиш билан

амалга оширилади. Ўзбекистон республикасида жамғариб бориладиган пенсия тизими мажбурий қилиб белгиланган суғурта бадали орқали ундирилади. Бу фаолиятни амалиётини жорий қилиш, ундан самарали фойдаланиш, даромадларни шакллантириш, уларни йиғиб ҳисоботини олиб бориш эса ягона Халқ банкига юклатилган.

Тадқиқотлар кўрсатишича, пенсия тизими самарали амал қилиши учун пенсионерлар ва ишлаётган фуқаролар ўртасида маълум даражада мувозанат бўлиши лозим. Бироқ, демографик прогнозлар республикада аҳолининг кексايиш жараёни нисбатан тезлашишини ва бу мувозанат ўзгаришини, яъни кексаларнинг иқтисодий фаол аҳолига тўғри келадиган демографик юки ортиб боришини кўрсатмоқда. Бу ҳолат иқтисодий фаол аҳолидан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичлари бозор нуқтаи назаридан камайишини, яъни ишлаётганларнинг бадаллари пенсияларни тўлаш учун ҳам етмаслигини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида ҳозирдан пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатини яхшилашни талаб этади.

Ўзбекистонда пенсия жамғармаси молиявий ҳолатини яхшилашнинг қатор имкониятлари мавжуд. Улардан бири пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланишдар. Республика пенсия жамғармаси маблағларининг 87,5 фоизини ҳақиқий пенсия тўловлари, қолган 22,5 фоизини молиялаш билан қопланмайдиган қўшимча харажатлар (пенсияга устамалар, ижтимоий нафақалар, ҳарбий хизматчиларга пенсия тўловлари) ташкил этган²⁶. Молиялаш билан қопланмайдиган қўшимча харажатлар давлат бюджетининг бошқа манбаларидан молиялаштирилса, биринчидан, пенсия жамғармаси маблағларининг мақсадлилиги ошади, иккинчидан, пенсия жамғармасининг молиявий аҳволи яхшиланади.

Яна бир муаммо ҳисобланиб келган ҳолат юзасидан шуни айтиш жоизки, пенсияларни харажатларини амалга ошириш ва уларни транзит ҳисоб рақамларга ўтказиб бериш, тегишли ишловчи пенсионерларнинг иш жойига маблағларни ўтказиб бериш ва шу каби пенсияга оид вазифаларни

²⁶ “Биржа эксперт” журнали. №1-2, 2013.

бажаришни Ғазначилик зиммасидан олинса ўринли бўлган бўлар эди. Чунки, пенсияни тайинлаш ва уларни тўлаб бериш пенсия жамғармаси томонидан амалга оширилади ва ҳаражатларни мутаносиб амалга ошириш ҳам пенсия жамғармаси учун ортиқча муаммо келтирмайди. Менинг фикримча, ҳар бир амалий давом этувчи жараёنли ишда унинг мувофаққиятли якунланиши ва зудлик билан амалга ошиши, ҳеч қандай бюрократик тўсқинликсиз тугаши учун бир тизимга узвий боғлангани маъқул. Молия Вазирлиги Ғазначилиги ҳаммамиз биламизки, Давлат бюджетининг касса ижроси, жумладан, тушадиган даромадларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш, бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағларини олувчиларнинг ҳаражатлар сметалари ижроси Давлат бюджети ижроси тўғрисида ҳисобот тузиш, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва мақсадли давлат жамғармалари бюджетларининг маблағлари ҳисобидан товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар билан шартномалари ҳаражатлар сметасида кўрсатилган суммалар ва мақсадларга мувофиқ равишда тузилиши устидан назорат ўрнатиш асосида мазкур шартномаларни мажбурий рўйхатдан ўтказиш каби вазифаларни ўз зиммасига олади²⁷. Бироқ, пенсиянинг тўлов қисмини Ғазначилик томонидан амалга ошириш биринчидан, Ғазначилик ҳодимлари учун қўшимча иш юки ҳисобланади иккинчидан пенсия жамғармаси учун ишнинг оператив жараёнини сусайишига олиб келади. Бунинг оқибатида пенсия олувчилар учун ноқулайликлар ва шу ўринда пенсияни муддати олишига тўсқинлик бўлади. Шунини айтиб ўтмоқчиманки, агарда пенсия ҳаражатларини керакли банк ҳисоб рақамларига ёки “Ўзбекистон Почтасига” пенсия жамғармаси томонидан амалга ошириш ваколати берилса ҳам пенсия жамғармаси учун ҳам ғазначилик учун ҳам пенсия олувчилар учун етарли даражада енгиллик яратилиши мумкин.

²⁷ давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида 2007 йил 28 февраль, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори -594сонли

Яна муаммо ўрнида чет элда ишлаётган нолегал мухожирларни мисол келтиришимиз мумкин. Сабаби, ўзга (МДХ, Туркия, Малайзия, АҚШ) давлатларида ишлаётган мухожирларнинг қарийб 90% ҳеч қандай шартномасиз, ишловчиларнинг ўз хоҳишига кўра иш топиб фаолият олиб боришади. Россия Федерациясининг (ФМС) томонидан берилган айрим маълумотларга кўра Ўзбекистон Республикасидан нолегал ишловчилар сони қарийб 754000 кишини ташкил этар экан. Ана энди, бу ҳолатни таҳлил қилсак агар, барча чет элда ишловчи мухожирларнинг, йиллар ўтиши билан ўз юртиларига қайтиб келишади. Лекин барча нолегал ишловчилар томонидан пенсия жамғармасига ҳеч қандай суғурта бадали тўланмаган бўлсада, барча мухожирлар пенсия ёшига етганда уларда давлат томонидан ижтимоий ҳимоя ўрнида нафақа тўланади. Яна кўриб турибмизки бир бирига узвий боғланган пенсия зажири узила бошлайди. Агарда пенсия фонди томонидан қарилик нафақаси тўланмаса, бу ҳам аҳолини ижтимоий қўллаб қувватлаш нормаларига зид келади ва дунё мамлакатлари томонидан кескин танқид остига олинади. Масалан ЎзРес. нинг Меҳнат вазирлиги билан Корея Рес. Меҳнат ва бандликка кўмаклашиш вазирлиги билан ўзаро шартнома тузилган. Яна шу ўринда Ўз Рес Президентининг ПҚ-738, 23.11.2007 й да қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Корея Республикасидаги меҳнат фаолияти даврида тўлаган пенсия ажратмаларини олишда давлат томонидан ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарорида, хорижда ишлаган давр учун Корея пенсия фондига ажратилган суғурта бадали, қайтариб берилиши тўғрисида кўрсатиб ўтилган. Ушбу қарорга тегишли илова қилинган низомда пенсия бадали тўланиши, қайтарилиши, рўйхатдан ўтказиш, хужжатлар тақдимномаси ва бошқалар келтириб ўтилган. Агарда пенсия жамғармаси, меҳнат вазирлиги ва Россия Федерациясининг (ФМС) билан биргаликда келишилган ҳолда мигрантларнинг расмий тарзда ишлашини шартнома асосида йўлга қўйилса, бу келажакда пенсия жамғармаси учун яни эшикларни очишга ва жамғарма учун ортиқча юкларни ечими топилган бўлар эди.

3.2. Ривожланаётган мамлакатларнинг хусусий пенсия фондлари тараққиётининг илғор тажрибаларидан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари.

Нодавлат пенсия тизимига таянган ҳолда пенсия таъминотини Россия модели асосида ўрганиш уни тадбиқ этиш жуда кўп давлатлар учун қўл келиши мумкин. Лекин Россия ушбу тизим доирасида ҳамон ёш амалиётчи ҳисобланади, нодавлат пенсия жамғармаларини фаолиятини такомиллаштириш чораларини ва уни пенсия тизимига тадбиқ этишнинг янгича усулларини мажбурий бадал ўтказувчи давлатлар мисолида кўришимиз мумкин.

Яна бир пенсия тизими бўйича омадли ва яққол намоёндалардан ҳисобланган Венгрия давлатини мисол қилиб олиш мумкин. Венгрияда ислохотларнинг ўзига жалб қилувчи ва босқичма босқич пенсия таъминоти борасида кўзга ташланадиган қисми шундаки, ижтимоий таъминотнинг ҳар томонлама қамраб олинганлиги, пенсияларнинг оширилиши натижасида инфляциянинг юқорига тебранмаганлиги ва бадалга тўланувчи солиқларнинг ҳаққоний белгиланганлиги. 2008 йигла қадар пенсия ёши эркаклар учун 60 ёш аёллар учун 55ни ташкил қилган.

Ишловчи ўз ҳоҳишига кўра танлаш ҳуқуқига эга, ёки давлат пенсия таъминотида қолиши мумкин ёки нодавлат пенсия жамғармасига ўтказилиши мумкин. 2002 йилдан бошлаб ишловчиларнинг шахсий жамғарилувчи пенсия тўловларини тўлаш 8% гача кўтарилиши кутилаётган эди. Лекин унинг ўрнига хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар учун солиқ юки камайтирилган, пенсия бадалини ўтказиш ҳажми эса ўзгартирилмади. Ва нихоят ишловчилар ўз ҳоҳишларига кўра нодавлат пенсия таъминотига аъзо бўлишларини танлаш имконияти мавжуд бўлди. Ҳаттоки ушбу шароитда ҳам 85% иштирокчилар хусусий бошқарув компанияларини танлашди, қолган 15% эса нодавлат пенсия жамғармасидан давлат жамғармасига қайтишни афзал кўришган.

Венгриянинг НПЖ сининг хусусиятли томони шундаки, унда пенсия жамғармалари кўшма шаклда ёки ҳамжамиятликка асослаган ҳолда фаолият олиб боради. Пенсия жамғармасини ташкил этиш учун йирик капитал талаб этилмайди ва ким томондан очилиши ҳам аҳамиятга эга эмас. Давлат томондан нодавлат пенсия жамғармаларини қўллаб қувватланиши оқибатида, фондлар учун етарлича енгиллик яратилади. Иш берувчи пенсия ажратмасини тўғридан тўғри жамғармага ўтказиши. Бошқарув компаниялари инвестицияларнинг салбий яқунланишига ўзига жавобгарлик олмайди. Жамғармага тўпланган маблағларини самарали ва муқобил фойда келтириш мақсадида, мижоз билан биргаликда бошқарув компанияси мақсадли инвестицияга жойлаштиришни ўзаро ҳал қилинади.

Жамғарма ўзининг рискин чеклаши учун активнинг камида 10% ни рисксиз қимматли қоғозларга тикишлари мажбурий, 30% гача хорижий активларга жойлаштири олишади, 10%дан оширмаган ҳолда ривожланаётган бозорга, 50% гача акция ларга жойлаштири олишади. Бироқ жамғарманинг захираси йирик эмаслиги ва бозорнинг торлиги туфайли, ҳамон 87% активлар давлатнинг қимматли қоғозларига жойлаштирилган.

Нодавлат пенсия жамғармаларининг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

-Нодавлат пенсия жамғармаларининг асосий афзаллиги шундан иборатки, у кўшимча пенсия таъминоти схемасини таклиф этади, бу эса келгусидаги пенсия миқдори таъсир этади. Иш берувчилар учун нодавлат пенсия жамғармалари – бу ўз молиявий ресурслари ва солиқ тўловларини сезиларли даражада оптималлаштириш имкони бўлиши билан бирга, бир вақтнинг ўзида ходимларни рағбатлантириш масаласини ҳам ҳал қилади. Ходимлар учун бу – кўшимча пенсия тўловлари олиш имконидир.

-Ходимлар фойдасига ёки ходимларнинг ўзлари нодавлат пенсия жамғармаларига тўлаган улушлари фойдали активларга тўпланади ва инвестиция қилинади. Бундай тизимда нодавлат пенсия жамғармаларининг иштирокчилари пенсия ёшига етганларида давлат бериши мумкин бўлган пенсиядан кўра анчагина кўп пенсия олишлари мумкин бўлади.

НПЖ нинг яна бошқа афзалликлари:

-давлат томонидан тартибга солиниши. Нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятининг барча жабҳалари Россия Федерациясининг “Нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисида”ги қонун орқали тартибга солиб борилади. Нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятининг барча жабҳалари устидан каттиқ назорат тизими мавжуд;

-ахборот шаффофлиги. Жамғарма маъмури пенсия фондининг ҳар бир иштирокчисига бир йилда бир марта бепул унинг шахсий пенсия ҳисоб варағидан унга тегишли пенсия активлари ҳолати тўғрисида кўчирма беради.

-пенсия жамғармалари ҳимоя тизими. Пенсия жамғармаси активларининг маъмур, активларни бошқариш бўйича компания ва сақловчи банк ўртасида алоҳида - алоҳида ҳисобга олиниши ва сақланиши инвестиция қилиш хавфини максимал пасайтиришга имкон беради.

-Яна бир муҳим афзалликларидан бири солиқ имтиёзлари ҳисобланади. Хусусан, пенсия бадалларининг суммаси жисмоний шахснинг солиққа тортиладиган даромадларидан чегириб ташланади, пенсия активларини бошқаришдан олинadиган инвестиция даромади солиққа тортилмайди ва ҳ.к.

Ривожланаётган мамлакатлар орасида Чилининг нодавлат пенсия тизимини Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари мавжуд. Умуман олган Чили модели асосида жуда кўп мамлакатлар ўзининг пенсия тизимини амалий фаолиятдан ўрганишган. Ҳаттоки Қозоғистон ҳам жамғариб бориш принципига асосланган тизимини Чилининг тажрибаларидан олган. Чили моделининг тан олинган ижобий томони шундаки, бу модел нодавлат пенсия жамғармаларининг ривожланиши туфайли миллий капитал бозорининг шаклланишига кўмаклашади. Нодавлат пенсия жамғармаларининг ўз фаолияти давомида тизимли равишда ўз ҳаражатларини камайтириб бормоқда. Бу кўрсаткич нодавлат пенсия жамғармаларининг иқтисодий ва ҳаётийлик даражасининг юқорилигидан дарак беради. Нодавлат пенсия жамғармаларининг институционал инвесторлар сифатида мамлакат иқтисодиётига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатмоқда. Юқори

жамғариш кобилиятининг мавжудлиги, муваффақиятли инвестициялар туфайли нодавлат пенсия жамғармаларининг йирик маблағлари иқтисодиётга йўналтирилиб, мамлакатнинг инвестицион салоҳиятининг ошишига ва барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Капиталлашган модел шахсий пенсия жамғармаларини, бандликни таъминлашда, тўлов интизомини оширишда кучли манфаатдорликни юзага келтиради. Капиталлашган Чили пенсия моделининг ижобий ва салбий томонлари қатор Ғарбий Европа мамлакатларида тақсимот моделини ислоҳ қилишда инобатга олинди, натижада тақсимот элементлари сақлаб қолинган ва капиталлашган модел тамойилларини ўз ичига олган ўзига хос аралаш пенсия тизими вужудга келди. Бу тизим: «Пенсияга чиқиш ёшини босқичма-босқич оширишдан иборат. Пенсияга чиқиш ёши 65 ёшгача кутариш ишловчилар ва бадал тўловчиларнинг зиммасига тушадиган оғирликни камайтиради.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, Чилининг нодавлат пенсия таъминотини бизда керакли бўлган қисмларидан фойдаланиш мумкин. Масалан Чилида нодавлат пенсия жамғармасига ойлиш иш ҳақидан 10% ни белгиланган бадал сифатида ўтказиб боради, Ўзбекистон Республикасида ҳам пенсия жамғармасининг нодавлат шакли ташкил этилса корхонадан ёки индивидуал ишловчи томонидан тўланадиган бадал миқдорини ошириш керак ва уни нодавлат пенсия жамғармасига ўтказиб бориш керак. Бу эса юқорида такидлангандек, давлатнинг иқтисодий салоҳиятини оширади, қўшимча капитални шакллантиради, молиявий институтларнинг механизмига туртки беради, инвестицияларни ривожланишига сабабчи бўлади. Чили нинг ўрнак оладиган хусусияти ҳам шунда, авлодлар бирдамлигига асосланган тақсимот моделидан капиталлашган тизим яъни индивидуал жамғариб бориш ва уларни нодавлат жамғармалар томонидан инвестицияга йўналтириш орқали илғор пенсия тараққиётига эришган ҳисобланамиз.

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, аҳолини кредитлашга энг кўп қизиқувчан муассасалари кредит молия институтлари ҳисобланади. Булар -

нодавлат пенсия жамғармалари, ссуда-жамғарма уюшмалари, кредит иттифоқларидир. Махсус кредит институтларининг бир қисми иқтисодиёт ва хўжалик фаолиятининг муайян соҳасини ёки аҳолининг муайян табақасини молиялаштириш билан шуғулланади. Яъни маблағларни омонатга жалб этади, қимматли қоғозларни чиқаради, суғурта полисларини сотади, шу каби йўллар билан фаолият кўрсатади. Нодавлат пенсия жамғармалари ссуда сармоялари бозорида, қимматли қоғозлар бозорида, кредит-молия тизимида муҳим замонавий ходисадир. Нодавлат пенсия жамғармалари имкониятларининг моҳияти омонатчиларнинг маблағларини тўплаш, сақлаш, кўпайтириш, пенсия тўловларини таъминлаш ҳисобланади. Фондлар активларининг асосини қимматли қоғозлар билан бўлган операциялар ташкил этади.

Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, жамғариладиган Пенсия фондлари активларининг асосини қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар ташкил этади. Нодавлат пенсия жамғармалари пул маблағларини узоқ муддатга жойлайди, хусусий ва давлат қимматли қоғозларини сотиб олади. Нодавлат пенсия жамғарманинг пассив операциялари асосини корпорация ва корхоналардан келадиган ресурслар ташкил этади, тушумнинг 20-30 фоизи ишчи ва хизматчилар бадалларидан иборат.

Экспертларнинг ҳисоб-китоби бўйича қимматли қоғозлардан олинадиган даромадларнинг бир фоиз ошиши тўланадиган пенсиялар миқдорини бир неча фоиз оширишга имкон беради. Бошқача қилиб айтганда, қимматли қоғозларни сотиб олиш учун ажратилган маблағлар ўша қимматли қоғозларни ҳозирги реал қиймати бўйича сотилгандан сўнг фуқароларга пенсия кўринишида қайтарилади. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳаси учун узоқ муддатли сармоя етишмаслиги ва унга кескин эҳтиёж мавжуд шароитда нодавлат пенсия жамғармалари биринчидан, узоқ муддатли кредитлаш фондларини ошириш имконини берса, иккинчидан, бундай

тўзилмаларнинг яратилиши бюджетнинг ижтимоий таъминот ҳаражатларини камайтириш имконини беради.

Пенсия таъминотининг хусусийлаштириш дастури иқтисодиётга инвестицияларнинг ички имкониятларини тақдим этади. Айнан, молия соҳасида пенсия ислохотларига эҳтиёж ва иқтисодий ислохотларнинг кенгайтирилган соҳаси кесишади. Капитал бозори ривожланиши, пенсия фондлари пуллари инвестиция қадрсизган молиявий дастакларини тақдим этиш учун жуда муҳим. Шу тарзда иқтисодиётга инвестицияларни йўналтириш жараёнида давлат, жамғарилган ва хусусий пенсия таъминотини молиялаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадқиқот бўйича олиб борилган монографик кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, Россия Федерациясининг нодавлат пенсия жамғармаси асосан йирик банклар ёки улкан акционерлик жамиятлари остида ташкил топган бўлиб хизмат кўрсатади. Бунинг ижобий ва салбий тарафларини кўриб чиқамиз.

Ижобий томони шундаки- Аҳамиятли банклар ва йирик концернлар томонидан ташкил топган нодавлат пенсия жамғармалари молиявий ва иқтисодий жихатдан тўсқинликларга ва қийинчиликларга дуч келмайди. Номи чиққан бренд остида шловчиларнинг суғурта бадалини ўтказишда бу ташкилотлар учун қўшича ёрдам сифатида қўл келади. Жамланган капиталларни инвестицияга йўналтириш, тақсимлаш, узоқ муддатли объектларга жойлаштириш ва улардан мўмайгина даромад олиш борасида етарлича маҳоратга эга ҳисобланади.

Салбий томони эса- Ҳозирги глобал бозор иқтисодиёти шароитида кескин ўзгаришлар кузатилмоқда. Хомашё бозорининг қиймати кундан кунга тушиб кетиши ортидан, қимматли қоғозлар бозорида ҳам номувозанат ҳолат юзага келган. Бунинг ортидан албатта биринчи навбатда йирик концернлар, тижорат банклари, суғурта компаниялари, кредит бирлашмаларига етарлича талофатланади. Шунинг учун ҳам 2008-2009 йилларда кузатилган умумжаҳон инқирозида биринчи навбатда ривожланаётган мамлакатларда

фаолият олиб боровчи гигант компаниялар касодга учраган. Айти даврда нодавлат пенсия жамғармаларига келиб тушувчи маблағлар, суғурта тўлови катнашчилари, жамғарма активлар ва капиталлари улкан йўқотишга дучор бўлишди.

Бизда пенсия таъминотининг хусусий шаклидан, корпоратив пенсия моделидан фойдаланиш имкониятлари бор. Бу модел ривожланаётган давлатлар орасида оммабоп ҳисобланиб НПЖ, тижорат банки ва корхона ўртасида ташкил топган бир бирига узвий боғлиқ механизмдир. Бўлажак пенсионерларни ижтимоий ҳимоя қилиш вазифасини нафақат давлат жамғармасига балки унга алтернатив мос келувчи ва кўмаклашувчи “пенсия режаларини” тараққий этиш ҳозирги кунда амалга оширилаётган ислохатларимизга монанд бўлар эди.

3.3. Ўзбекистонда хусусий пенсия фондларини шакллантириш ва ривожлантириш истиқболлари

Энг аввало, ушбу бозор иқтисодиётига кирувчи туркумни ривожланиш мақсадлари ва устувор йўналишларини аниқлаб олишимиз керак.

Нодавлат пенсия жамғармаси бозорини ривожлантиришдан мақсад ва узоқ муддатли ҳаёт суғуртасини амалга ошириш инсонлар ҳаётини яхшилаш, пенсия тизимини барқарорлиги таъминлаш, суғурталаш ва жамғариш принципи асосида ташкил топиши, яъна нодавлат пенсия жамғарманинг ривожланишида ихтиёрий пенсия суғуртасини такомиллаштириш каби чор тадбирлар тушунилади.

Қўйилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Меҳнатга лаёқатли аҳоли ва пенсионерларнинг даромадлари орасидаги фарқни камайтириш учун пенсия тўловларини молиялаштиришнинг қўшимча ресурсларини жалб қилиш зарур. Буни амалга ошириш учун фуқаролар ва иш берувчиларнинг нодавлат пенсия

жамғармалари ва суғурта компаниялари орқали пенсия жамғармаларини шакллантиришларини рағбатлантирувчи шароит яратиш лозим .

2. Аҳоли ва бизнеснинг нодавлат пенсия жамғармаларига бўлган ишончини ошириш ҳамда аҳолининг пенсия саводхонлигини ошириш. Шу мақсадда ҳар бир ходим ва унинг иш берувчиси томонидан нодавлат пенсия таъминотининг шахсий фаровонликни таъминлаш ва ҳар бир иш берувчининг ижтимоий масъулиятини амалга ошириш механизми сифатидаги аҳамиятини англашига қаратилган давлат ахборот-маърифий кампаниясини ўтказиш учун меъёрий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш талаб этилади .

3. Қулай солиқ муҳитини яратиш. Ушбу ҳолатда НПЖ ни солиққа тортишда халқаро амалиётга мувофиқ иш кўриш таклиф этилади, яъни бадаллар ва инвестиция даромадлари солиққа тортилмайди, пенсиядан эса даромад солиғи ушлаб қолинмаслиги керак.

4. Нодавлат пенсия жамғармаларининг ишончилиги ва барқарорлигига бўлган амалий тавсияларни ишлаб чиқиш. Нодавлат пенсия хизматлари соҳаларини муваффақиятли ривожлантириш ва ҳаётни узоқ муддатли суғуртаси учун кўриб чиқиладиган бозорларга боғлиқ бўлмаган кафолатлар тизими талаб этилади. Масалан, бу хорижда қабул қилинганидек омонатларни суғурта қилиш бўлиши мумкин. Суғурта компаниялари нодавлат пенсия жамғармаларини омонатлари кафолатлашлари мақсадга мувофиқ бўлади.

5. Нодавлат пенсия жамғарма бозорлари инфратузилмасини ва ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилишни илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Нодавлат пенсия жамғармасини ташкил этишни асосий йўналишларини амалга оширишда ташқи (макроиқтисодий омиллар) ва ички (инфратузилмавий омиллар) хусусиятга эга кўплаб омиллар таъсир кўрсатади.

Ташқи омиллар иқтисоднинг умумий ҳолатини таърифлайди: инфляция даражаси, ишсизлик, аҳоли жон бошига ўртача даромадлар, миллий валютанинг барқарорлиги, давлат бюджетининг ва тўлов балансининг ҳолати, қайта молиялаштириш ставкаси, солиққа тортиш даражаси . Ташқи омилларга турмуш сифати ва аҳолининг молиявий саводхонлиги каби умумий хусусиятларни ҳам киритиш мумкин.

Ички омиллар нодавлат пенсия жамғармаси бозорининг салоҳиятига таъсир кўрсатади ва бозор инфратузилмаси ривожланиш даражаси ва йўналишлари, фаолиятни амалга ошириш жараёнида бозор иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар тизими тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттиради.

Нодавлат пенсия таъминоти ва ҳаётни суғурта қилиш соҳаси учун муҳим омиллар бўлиб мамлакатдаги иқтисодий вазият ва бу билан боғлиқ аҳолининг даромадлари ўсиши анъанаси, шунингдек молиявий институтларга бўлган ишончнинг ошиши ҳисобланади. Корпоратив секторнинг келажаги солиққа тортиш сиёсати соҳасидаги вазиятга боғлиқ бўлади, демак бозорлар учун давлат органларининг нодавлат пенсия таъминоти ва ҳаёт суғуртасига нисбатан бўлган муносабати ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Натижада аҳолининг нодавлат пенсия жамғарма бозорлари ва ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш тўғрисида хабардорлиги юқори даражада шаклланади. Корхоналар ва фуқаролар ўз пенсия жамғармаларини шакллантиришдан манфаатдор бўладилар, бу эса шубҳасиз, пенсия жамғармаси ва мамлакатнинг молиявий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади, чунки ушбу режа амалга оширилганда ҳаётни суғурта қилиш бадаллари кўпаяди ва ишлайдиган аҳолига ва мамлакат иқтисодига тўғри келадиган кўшимча юк сезиларли даражада пасаяди. Ушбу тизим ривожланганда демографик “кўшимча юк” бунчалик кескин ҳис қилинмайди, чунки пенсияни шакллантириш учун тўланадиган бадаллар жорий пенсияларни

тўлаш учун сарфланмайди. Шу тарзда ислохот олдиға қўйилган мақсадға эришилади.

Ўзбекистонда нодавлат пенсия жамғармаларни ташкил этиш шароитлари мавжуд. Сабаби, ҳозирги илғор ривожланиб келаётган модернизациялашган иқтисодиётимиз ривожланаётган давлатларнинг нодавлат пенсия жамғармалари тажрибаларидан фойдаланган ҳолда бизда ҳам ушбу тизимни қўллаш вақти келди десак тўғри бўлади. Индивидуал пенсия тайинлаш ва ундан келажакда фойдаланиш борасида илк қўйилган шахдам қадамлардан бири деб, 2005йил 1 январдан кучга кирган “фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти”²⁸ тўғрисидаги қонун мисол бўла олади. Ушбу қонун ишлаб чиқилиши билан фуқароларнинг шахсий пенсия ҳисоб рақами шакллантирилди. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш иш берувчининг талабномасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг асосий иш жойидаги Халқ банки филиалида амалга ошириладиган бўлди. Халқ банки шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга пул қадрсизланишига нисбатан юқори суръатлардаги ставкалар бўйича фоизларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоблаб қўшади. Фоиз ставкаси Халқ банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб, жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини кўпайтириш ҳамда уларни пул қадрсизланишидан ҳимоя этиш мақсадида бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек молиявий воситаларга жойлаштириш учун фойдаланилиши мумкин. Бироқ Халқ банки томонидан жамғарилган маблағларни инвестиция қилиш ва кредит ресурси сифатида

²⁸ Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида» ги Қонуни. 2004 йил. 2 декабрь.

фойдаланиш дастурлари ҳамон тўла қонли ишлаб чиқилмаган. Бунинг оқибатида Халқ банки фақатгина жамланган маблағларни йиллик инфляция ҳисобини олиб индексация қилинмоқда. Айнан шу ҳолат юзасидан ривожланаётган мамлакатлардаги мавжуд нодавлат пенсия жамғармалар билан Ўзбекистондаги халқ банки тутган сиёсат ўртасида сезиларли фарк кузатилади. Менинг фикримча, нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш ва ривожлантириш босқичида аввалам бор зарур бўлган шароитлар яратилиши лозим. Нодавлат пенсия жамғармасига хизмат кўрсатувчи бошқарув компанияларини ташкил этиш, жамғармани рискин таъминловчи суғурта компанияси, жамғармага интеграциялашган махсус инвестиция ташкилотлари шу каби тадбирлар амалга ошириши зарур бўлади. Кейинги босқич эса, иш ҳақидан ажратилувчи суғурта бадалини ошириш ҳуқуқий базасини ишлаб чиқиш ва аҳолини молиявий шароитини ҳисобга олган ҳолда ҳаққоний сиёсат қўллаш лозим. Сабаби, агарда ҳукумат томонидан нодавлат пенсия тизимини ишлаб чиқишда ҳаддан ташқари кўшимча бадаллар ташкил этилиши иш берувчи ва ишловчилар ўртасида норозиликни келтириб чиқаради. Асосий ушбу янги тизимни оммага тўғри маънода чунтира олиш ва унинг келажакда қай даражада ас қотишини етказа олишдадир.

Юртбошимиз томонидан 2015 йил 25 августда тасдиқланган “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисидаги” қонунга асос солинди. Ушбу қонуннинг мақсади инвестиция ва пай фондлари фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.²⁹ Бу қонуннинг ишлаб чиқилиши келажакда нодавлат пенсия жамғармаси ташкил топишига ва уни юртимизда пенсия таъминотига асосли хизмат кўрсатишига туртки бўла олади. Бунда Инвестиция фаолиятини амалга ошириш мақсадида икки ва ундан ортиқ шахсларнинг инвесторларнинг ўзи ишончли бошқарувга берган пул маблағлари йиғиндиси пай фондидир. Ишончли бошқарувчи деганда ушбу

²⁹ Ўзбекистон Республикасининг “инвестиция ва пай фондлари тўғрисида” ги қонуни 2015 йил 25 август

Қонунда инвестиция фондларини ва (ёки) пай фондларини ишончли бошқариш шартномаси асосида ишончли бошқаришни амалга оширувчи юридик шахс тушунилади. Биз билганимиздек, нодавлат пенсия жамғармада ҳам ишончли бошқарув компаниялари ва банк “кастодиан” нодавлат пенсия жамғармаси иштирок этишади, масалан Қозоғистон мисолида. Ушбу қонуннинг мазмун моҳиятида келтирилишича пай фондларга тегишли боби 2017йил 1-июлдан қучга қиради деб қўрсатилган. Албатта, пенсия турининг нодавлат шаклини ташкил этиш чоғида даставвал инвестиция фондлари, пай фондлар, бошқарув компаниялари, хедж фондлар, фьючер фондлар, тижорат банклари ва шу қаби молиявий институтлар такомиллашган бўлиши керак. Нодавлат пенсия жамғармасини фаолият юритишини таъминлашда, даромад олишда, инвестиция қиритишда ва турли дастурлар ишлаб чиқишда нафақат давлат балки ҳозир санаб ўтилган молия институтлари бевосита иштирок этишлари керак.

III боб бўйича хулоса

Ушбу боб юзасидан ўрганилган амалий ва назарий изланишлар бўйича қуйидаги фикр ва хулосага келдик:

1. Давлат пенсия таъминотининг молиявий муаммолари эса қўп жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ривожлантиришга боғлиқ бўлади. Пенсия тизимида қўплаб имтиёзлар мавжудлиги, пенсияга қўшиб бериладиган устамаларнинг пенсия жамғармасидан тўланиши, пенсиялар миқдорларида суғурта «стажига» емас, балки, «иш стажига» қараб ҳисобланиши Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасида муаммоларни вужудга келтирди. Пенсия жамғармасининг даромадлар қисмида даромадлар манбаларини қўпайтириш ва барқарорлаштириш, молиявий ресурсларини самарали бошқариш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишни тақозо етмоқда.

2. Ўзбекистонда пенсия жамғармаси молиявий ҳолатини яхшилашнинг катор имкониятлари мавжуд. Улардан бири пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланишдар. Республика пенсия жамғармаси маблағларининг 87,5 фоизини ҳақиқий пенсия тўловлари, қолган 22,5 фоизини молиялаш билан қопланмайдиган қўшимча харажатлар (пенсияга устамалар, ижтимоий нафақалар, ҳарбий хизматчиларга пенсия тўловлари) ташкил этган. Молиялаш билан қопланмайдиган қўшимча харажатлар давлат бюджетининг бошқа манбаларидан молиялаштирилса, биринчидан, пенсия жамғармаси маблағларининг мақсадлилиги ошади, иккинчидан, пенсия жамғармасининг молиявий аҳволи яхшиланади.

3. Нодавлат пенсия жамғармаларининг асосий афзаллиги шундан иборатки, у қўшимча пенсия таъминоти схемасини таклиф этади, бу эса келгусидаги пенсия миқдориға таъсир этади. Иш берувчилар учун нодавлат пенсия жамғармалари – бу ўз молиявий ресурслари ва солиқ тўловларини сезиларли даражада оптималлаштириш имкони бўлиши билан бирга, бир вақтнинг ўзида ходимларни рағбатлантириш масаласини ҳам ҳал қилади.

4. Чилининг нодавлат пенсия таъминотини бизда керакли бўлган қисмларидан фойдаланиш мумкин. Масалан Чилида нодавлат пенсия жамғармасига ойлиш иш ҳақидан 10% ни белгиланган бадал сифатида ўтказиб боради, Ўзбекистонда ҳам пенсия таъминотининг нодавлат шакли ташкил этилса корхонадан ёки индивидуал ишловчи томонидан тўланадиган бадал миқдорини ошириш керак ва уни нодавлат пенсия жамғармасига ўтказиб бориш керак.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ривожланаётган давлатларда нодавлат ва давлат пенсия жамғармаларини тараққиётининг масалаларини назарий жиҳатдан ўрганилиб, қуйидаги илмий хулосалар олинди:

1. Нодавлат пенсия жамғармалари табиатига кўра икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан, бу жамғармалар жамиятдаги меҳнатта лаёқатсиз бўлган аъзоларнинг моддий ҳолатини яхшилаш вазифасини ҳал қилиш мақсадини кўзлайдиган муҳим ижтимоий институт деб ҳисобланади, улар ёрдамида кишилар кексалик даврида давлат томонидан кафолатланган энг кам миқдордан юқорирок даромад олиш имконини қўлга киритадилар. Ишчилар ўз пенсия бадалларини мустақил тартибга солиш ёки бу вазифаларни касаба уюшмалари орқали ўз иш берувчиларининг зиммасига ўтказиш имконига эга. Иккинчидан, бу жамғармалар мамлакатнинг иқтисодий тизимида муайян вазифани бажарадиган ўзига хос молиявий институтлардир. Бундай институтлар фуқароларнинг жамғарилган пулларини узоқ муддатли инвестициялаш мақсадида жамлаш билан шуғулланадилар.

2. Ҳалқаро амалиётда «узун» пулларни иқтисодиётга таклиф этишда нодавлат пенсия жамғармалари ҳам муҳим молиявий бўғинлардан ҳисобланади. Чунки нодавлат пенсия жамғармаларининг молиявий активлари жисмоний шахсларнинг ажратмалари ҳисобига шакллантирилади ва улар пенсияга чиққунга қадар тарафларнинг келишувига асосан пенсия жамғармаси ихтиёрида бўлади. Молия ва қимматли қоғозлар бозори юқори даражада ривожланган етакчи давлатлар нодавлат пенсия жамғармаларининг молиявий ресурслари мамлакат ЯИМда улуши юқори эканлигини кўриш мумкин.

3. Пенсия тизимини фақат давлат томонидан молиялаштириш етарли самара бермайди. Ҳозирги кунда пенсия тизимини молиялаштиришнинг бир вақтнинг ўзида уч йўналиш: минимал пенсияни кафолатлайдиган давлат пенсия тизими, профессионал ассоциация ёрдамида ўзининг иш

берувчиларга кўшимча пенсияни шакллантириш, фуқаролар имкониятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида, нодавлат пенсияни таъминлаш белгиланган. АҚШ, Голландия, Буюк Британия, Германия, Швейцария, Италия, Россия, Чили, Қозоғистон, Венгрия каби мамлакатлар шу тажрибадан фойдаланилади.

4. Пенсия таъминотининг хусусийлаштириш дастури иқтисодиётга инвестицияларнинг ички имкониятларини тақдим этади. Айнан, молия соҳасида пенсия ислохотларига эҳтиёж ва иқтисодий ислохотларнинг кенгайтирилган соҳаси кесишади. Капитал бозор ривожланиши, пенсия фондлари пулларини инвестиция қилиш молиявий дастакларини тақдим этиш учун жуда муҳим. Шу тарзда иқтисодиётга инвестицияларни йўналтириш жараёнида давлат, жамғарилган ва хусусий пенсия таъминотини молиялаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

5. Нодавлат жамғарма схемаларига эътиборнинг кучайиши, уларни аста-секин пенсия суғуртаси комплекс тизимига жорий қилиш барча ривожланаётган давлатлар учун умумий анъанага айланиб бормоқда. Олдинлари жамғарма схемалари бетартиб, тасодифан вужудга келган. Фирмалар пенсия дастурларини ишлаб чиқишда пешқадамликни қўлга олишиб, давлатга уларни тартибга солувчи ролни қолдиришди. Бугунги кунда давлат томонидан тартибга солинадиган ва иш берувчилар ҳамда хусусий шахслар томонидан молиялаштириладиган жамғарма пенсия режалари борган сари муҳим роль ўйнамоқда.

6. Ривожланаётган давлатларда нодавлат пенсия жамғармалари асосий активларни давлатга тегишли бўлган секторнинг қимматли қоғозларида ушлаб туради. Инвестициялашга бундай мажбурий мўътадил -консерватив ёндошувнинг ижобий томонлари билан бирга салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Ижобий жиҳати шундан иборатки, пенсия активларининг катта қисми ишончли воситалар кўринишида сақланади, улар фонд бозоридаги баҳо ўзгаришларига унчалик кучли боғланмаган. Салбий томони эса давлат

қимматбаҳо қоғозларининг кам даромад келтириши ва НПЖ ликвидлиги самарасини чеклашидир.

7. НПЖларида кризислар эҳтимоли анчагина паст. Барча ривожланаётган мамлакатларда НПЖ таъсисчилари ва унга маблағ кўйувчиларнинг лойиҳаларига, пенсия захираларига муайян чегарадан ортиқ инвестиция қилишни тақиқловчи қонунлар амал қилади. Россияда НПЖ ўз пенсия резервларининг 10% дан ортиғини барча таъсисчиларнинг қимматли қоғозларига инвестиция қилишга ҳақли эмас. Бунинг устига, бундай қимматли қоғозлар Россия биржаларидаги олий даражали котировка рўйхатларига киритилган бўлиши керак. Пассивларни бошқариш rischi авваламбор мавжуд пенсия мажбуриятларини баҳолаш ва ҳисоб-китоб қилишда хато қилиш хавфидан ва янги мажбуриятларни шакллантиришда хатога йўл қўйиш хавфидан иборат.

Ўзбекистонда ва ривожланаётган мамлакатларда давлат пенсия жамғармаси ва нодавлат пенсия жамғармаси борасида олиб борилган тадқиқотлар натижасижа қуйидаги муаммолар кузатилди:

1. Меҳнат ҳақидан ажратмалар, солиқлар ва турли ушланмалар суммасининг юқори даражаси иш берувчиларни доимо мазкур харажат моддасини имкон қадар камайтиришга ва уни оширмасликка ундайди. Иш берувчининг ўз ходимларига меҳнат ҳақини кўпроқ ёки ортиқча ҳисоблаши самарасиз воситага айланар экан, бу ҳолат уни меҳнат ҳақини беришни ҳисобдан ташқари йўллари ахтаришга ундайди ва бунга мойиллик доимо устун бўлади.

2. Ривожланаётган мамлакатларда нодавлат пенсия жамғармаларини ўртача фойдалилик даражаси паст ҳисобланади. Сабаби, аксарият жамғармалар давлатнинг қимматли қоғозларига инвестиция киритишни маъқул кўришади. Уларда фойдалилик даражаси паст бўлганлиги сабабли инвестициядан олинган даромадлар ҳаттоки инфляция даражасидан ҳам паст бўлишини гувоҳи бўламиз.

3. Ривожланаётган мамлакатларда нодавлат пенсия жамғармасига бўлган талаб, ишонч ва эҳтиёж ривожланган давлатларга қараганда етарлича суст ҳисобланади. Фақатгина Чилида пенсиянинг ушбу тури кенг оммага тарқалган ва пенсия таъминотида асосий ролни ўйнайди. Аҳолида бўлган ишончни нодавлат пенсия жамғармасига нисбатан узоқлашишига 2008-2009 йилдаги жаҳон иқтисодий кризиси сабабчи бўлди. Асосан Россия ва Қозоғистонда нодавлат пенсия жамғармалари катта иқтисодий талофатга учради. Ҳаттоки жамғармаларни тиклаш ва оёққа тургазиш мақсадида ҳукумат томонидан турли хил дастурлар ишлаб чиқилди.

4. Россияда нодавлат пенсия жамғармалар фаолиятини турли хил давлат текширув органлари томонидан назорат қилиб борилиши ҳам жамғарма учун қийинчиликлар ва тўсиқларни келтириб чиқаради. Лекин жамғарманинг молиявий ҳолатини назорат ва тафтиш олиб бориш, келажакда аҳолини ижтимоий қўллаб қувватлашда ва пенсия билан таъминлашда кафолат беришини таъминлайди.

5. Инфляция миқдорини юқорилиги ҳам нодавлат пенсия жамғармалари учун етарлича муаммо туғдиради. Ҳаммамиз биламизки, нодавлат пенсия жамғармалари юқори даромад кўриш имкониятига эга эмас ва уни ривожланишига фақатгина иқтисодий мўтадил шароит зарур бўлади.

Муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар.

1. Меҳнат ҳақини кўпроқ ёки ортиқча ҳисоблаши самарасиз воситага айланар экан, бунда давлат томонидан ижтимоий тўловлар миқдорини пасайтиришни талаб қилади. Ушбу муаммони ҳал этишда ягона ижтимоий тўлов миқдорини камайтирган ҳолда жамғариб бориладиган пенсия жамғармасига бўлган этиборни оширишни тавсия қилган бўлардим.

2. Ривожланаётган мамлакатларда нодавлат пенсия жамғармаларини даромадини ошириши учун жамғармалар фақатгина давлатнинг қимматли қоғозларига эмас балки халқаро молиявий ташкилотлар қимматли қоғозларига, ҳудудда жойлашган нодавлат ташкилотларнинг(акция,

облигация, хорижий валютага) инвестиция киритишларини илмий таклиф деб ҳисоблаган бўлардим.

3. Нодавлат пенсия жамғармаларини ижтимоий таъминотда ўз ўрнини топиш учун, аҳолини молиявий саводини мукаммаллаштириш керак. Ижтимоий тармоқларда, газета, журнал, телевидения ва радио да нодавлат пенсия жамғармаларини афзалликларини оммага етказиш зарур бўлади. Иқтисодий инқирозлар юзага келганда, олдиндан жамғарма томонидан маблағларни хавфсизлиги таъминловчи ишлар олиб борилиши лозим.

4. Нодавлат пенсия жамғармаларни текшириш фаолиятини енгиллаштириш ҳозирги шароит талаби ҳисобланади. Текшир ва тафтишларни оптималлаштириш нафақат жамғарма учун балки барча молия институтларини қўллаб қувватлайди.

5. Инфляцияни енгиб ўтиш учун нодавлат пенсия жамғармалари “ўзун пуллар” яъни узоқ муддатли инвестициялардан фойдаланишлари мукин. Инвестиция дастурларини узоқ муддатга режалаштирган ҳолда келажакда улардан юқори даромадга эришиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1.1. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни. 1993 йил. 3 сентябрь. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни. 2004 йил. 2 декабрь. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни. 2007 йил. 25 декабр. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

1.4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент. «Ўзбекистон». 2008. -40 б. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

1.5. Федеральный закон Российской Федерации от 07.05.1998 № 75-ФЗ «О негосударственных пенсионных фондах».

1.6. Федеральный закон Российской Федерации от 17.12.2001 № 173-ФЗ «О трудовых пенсиях в Российской Федерации».

1.7. Федеральный закон Российской Федерации от 24.07.2002 № 111-ФЗ «Об инвестировании средств для финансирования накопительной части трудовой пенсии».

1.8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004йил 21 декабрдаги 595-сонли «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қарори.

1.9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ПҚ-30-сонли Қарори.

1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджета параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2455-сонли Қарори.

1.11. Постановление Правительства Российской Федерации № 546 от 22.07.2002 «Об утверждении Положения о лицензировании деятельности негосударственных пенсионных фондов».

1.12. Постановление Правительства Российской Федерации от 31.08.2002 года N 652 "Об утверждении правил инвестирования средств страховых взносов на финансирование накопительной части трудовой пенсии.

1.13. Постановление Правительства Российской Федерации № 63 от 01.02.2007 «Об утверждении Правил размещения пенсионных резервов негосударственных пенсионных фондов и контроля за их размещением».

1.14. Каримов И.А “Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб борилаётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир “ТОШКЕНТ” 23бет

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

2.1. Абдуллаев М. Замонавий пенсия тизими ва унинг истиқболлари. // Бозор, пул ва кредит. -Тошкент. 2012. -№6. – Б.8-12.

2.2. Аллаяров Ш. Тошмухамедова Д. Давлат пенсия таъминоти «иқтисод молия» 2015йил 192-224бет

2.3. Барчук В.В. Реализация программы пенсионной реформы в Российской Федерации // Пенсия, 2006. № 7, с.7 - 10

2.4. Булгакова Н.С., Попкова Т.А. О некоторых итогах реализации Федерального закона «О порядке исчисления и увеличения государственных пенсий» // Пенсия, 2007. № 5, с.12 –

2.5. Вахабов Д.Р. Пенсия тизимини ислох қилишнинг жаҳон тажрибаси // Молия. – Тошкент, 2010.- № 4.– Б. 21-27.

2.6. Вавулин Д.А. Негосударственные пенсионные фонды : место в системе обязательного пенсионного страхования / Вавулин Д.А.// ЭКО. Экономика и организация промышленного производства. – 2008. - № 2. – С.160-175.

2.7. Горюнов И.Ю. Роль негосударственных пенсионных фондов в современной пенсионной системе России / И.Ю. Горюнов, В.Ю. Михальчук // Финансы. – 2008. – N 1. – С. 61-65.

2.8. Дмитриев М.Э. О программе пенсионной реформы в Российской Федерации // Пенсия, 2006. № 5, с. 4 – 5

2.9. Жуйков А. «Кризис помог УК и НПФам понять друг друга» / А.Жуйков// Рынок ценных бумаг. – 2011. - №7-8.

2.10. Карагодин В.Р. О реализации положений программы пенсионной реформы в части профессионального пенсионного обеспечения// Страхование, 2005. № 3, с.35 – 38

2.11. Локшина, О. В. Пенсионное законодательство: основные положения и практика применения / О. В. Локшина // Трудовое право, 2003. – стр-5

2.12. Медведик В.П. Пенсионная реформа и негосударственные пенсионные фонды // Каротажник. - 2006. - № 1. –С.11

2.13. Михальчук В.Ю. Негосударственные пенсионные фонды о ходе пенсионной реформы в России / В.Ю. Михальчук // Финансы. – 2007. – N 1. – С. 95-96.

2.14. Мишин А. Негосударственные пенсионные фонды и инфраструктура финансового рынка // Депозитариум. 2006. №8 // Официальный сайт журнала «Депозитариум» ЗАО «Национальный депозитарный центр».

2.15. Орлов-Карба, Павел Александрович Все о пенсионной реформе в России : монография 2005 год 68-73 стр

2.16. Партин И. Ограниченность возможностей инвестирования средств пенсионных накоплений / Партин И. // Человек и труд. - 2011. - N 6. - С. 51-

2.17. Романовский М.В. О.В. Врублевской.-М Бюджетная система Российской Федерации: Учебник /.: Юрайт, 2005. 621 с.

2.18. Роик В.Д. Пенсионная система России. История, проблемы и пути совершенствования. – М.: МИК, 2007.

2.19. Соловьев А.К. Система пенсионного обеспечения сегодня// Финансы, 2007. №8, с.11 - 16

2.20. Срожиддинова З.Х. «Ўзбекистон тизими». - Дарслик. Тошкент 2010 йил. infoCom.UZ МЧЖ нашриёти, 367 с.

2.21. Тарасова Л.С. Негосударственные пенсионные фонды: как распорядиться накоплениями / Л.С. Тарасова // Справочник кадровика. – 2006. – N 7. – С. 95-111.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар.

3.1. Williams M. Government: Cash Management Its Interaction with Other Financial Policies. International Monetare Fund Fiscal Attairs Department Technical Guidance Note. 2010. -2011 p.

3.2. Вахабов Д.Р. Жаҳон пенсия тизимининг асосий йўналишлари // Миллий иқтисодий ва модернизациялаш шароитида инновацион фаолиятни инвестициялаш. Халқаро илмий-амалий конференция тезислар тўплами.– Тошкент, 2010. – Б. 241-244.

3.3. Кадомцева СВ. Государственные финансы. Учебное пособие.- М.: «ИНФРА -М». 2010. -352 с.

3.4. Мощенский С.З. Рынок ценных бумаг: трансформационные процессы. Учебное пособие. -М.: «Экономика». 2010. -235стр.

3.5. Нешиной А.С. Бюджетная система Российской Федерации. Учебник. М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К». 2012. - 336 с

3.6. www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси.

3.7. www.treasury.uz Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги.

3.8. www.gov.uz Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали.

- 3.9. www.inf.uz Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.
- 3.10. www.stat.uz Ўзбекистон республикаси Давлат Статистикаси Қўмитаси.
- 3.11. <http://www.soliq.uz/> Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ Қўмитаси.
- 3.12. <http://www.xb.uz> Халқ банки.
- 3.13. http://chelt.ru/2010/8-10/tabah_8-1_Q.html Табах А. Внедрение накопительных пенсионных систем: зарубежный опыт.
- 3.14. www.wikipedia.ru Информацион портал, ОЭСР мамлакатлари маълумотлари.
- 3.15. www.iopsweb.org More information about pensions-related work is available at www.oecd.org/pensions.
- 3.16. <http://www.napf.ru> Национальная Ассоциация негосударственный пенсионных фондов.
- 3.17. <http://www.pfrf.ru> Пенсионный фонд Российской федерации.